You laughed at their envy, by hand.

Your loud cheerful song, so alive,

It sounded like the voice of the unvoiced.

Translated into English by a senior teacher Rzaeva R.K.

* Ernazar-alakoz – a national hero of the Karakalpak people, the leader of the uprising in the XIX-th century.

Task 2. Answer the following questions.

1. What can you say about the poem’s title?
2. What do you think of the form and shape of the poem?
3. Did you develop your personal mind from the poem?
4. What do you think about feelings, emotions, messages and ideas presented in the poem?
5. Can you suggest examples to some of poetic devices such as similes, metaphors, and images?
6. Can you summarize the main idea of the poem or paraphrase it in a few sentences?
7. What can you say about tenses, vocabulary, word order etc. in the poem?
8. Can you find the meter of the poem or a pattern of stressed and unstressed syllables?
9. What does “all string of duta” mean?
10. How do you explain “the voice of kindness and dream”?
11. What is the author going to tell by the line “You’re not as well-known as Byron”?
12. What relations can you find with the fate of the Karakalpak People and Berdakh?
13. Did you like the poem? Why/ Why not?

Task 3. Identify the poetic devices and define how they express the poem’s message.

For example: “You are a song” This is reckoned as metaphor.

Simile – a comparison of two unlike things. It is expressed like and as.

Metaphor – a comparison of two unlike things.

Oxymoron – a figure of speech including words that seem to contradict each other. e.g. a pointless point of view, Open secret, Sweet sorrow.

Alliteration – repeating of initial consonant sounds in words such as “range and ready.”

Personification – a figure of speech to describe an animal, object, or idea with human qualities.

“When well-appareled April on the heel
Of limping winter treads.”

Imagery – use of figurative language to represent objects, actions, and ideas. e.g. “The sky was dark and gloomy, the air was damp and raw, the streets were wet and sloppy.”

Simile _____

Metaphor _____

Oxymoron _____

Alliteration _____

Personification _____

Imagery _____

Task 4. Look at the picture and describe Ernazar-Akloz, national hero of Karakalpak people using simile, metaphor, oxymoron.

References

1. The Decree of the President of the Republic of Uzbekistan Sh. Mirziyoyev PP-2909 "On measures to further development of the system of higher education" adopted on April, 20 in 2017
2. Awing, Z. & Kasuma, A.B. A. (2008). A study on secondary school learners perceptions of their motivation and attitude towards learning the English literature component. University of Technology in Malaysia.
3. Brumfit, C.J. & Carter, R.A. (1986). Literature and language teaching. Hong Kong: Oxford University press.
4. Edin, D. (2001). Methodology of teaching literature in rural schools in Sabah. Academic Practicum. University Kebangsaan: Malaysia.
5. Krishnamurthy, S. (2010). Literature and the teaching of stylistics: An investigation into the Pragmatics of community formation in the educational context of Namibia. Windhoek: Polytechnic of Namibia.
6. Popp, M.S. (1996). Teaching language and literature in elementary classrooms: A research book for professional development. USA: Lawrence Erlbaum Associates.
7. Savvidou, C. (2004). An integrated approach to teaching literature in the EFL classrooms. Retrieved from <http://www.google/scholars.com>
8. Susana, S. (2014). Literature teaching strategies: Facing history and ourselves. London.

REZYUME

Maqolada tilni o'rganish darslarida adabiy asarlarni o'qitish, uning o'quvchilarda motivatsiyani rivojlantirishdagi o'rni va ingliz tili darslarida qoraqalpoq yozuvchilari asarlarini o'qitishning uslubiy jihatlari to'g'risida tartibli fikrlar bayon etilgan.

PEZIOME

В статье рассматривается структурное изучение преподавания литературных произведений на уроках при изучении языка, его роль в развитии мотивации обучающихся и методологические аспекты преподавания произведений каракалпакских писателей на уроках английского языка

SUMMARY

The article deals with structural studying about teaching literary works in language learning classes, its role in developing learner motivation and the methodological points of teaching the works of Karakalpak writers in English classes.

KONSTRUKTIV MASALALAR YECHISH VOSITASIDA BO'LAJAK BOSHLANG'ICH SINIF O'QITUVCHILARINING MATEMATIK KOMPETENTLIGINI RIVOJLANTIRISH

B.T. Ismoilov - o'qituvchi

Termiz davlat universiteti

Tayanch so'zlar: konstruksiya, kub, parallelepiped, yig'indining kubi, kublar ayirmasi.

Ключевые слова: конструкция, куб, параллелепипед, куб суммы, разность кубов.

Key words: construction, cube, parallelepiped, cube of sum, difference of cubes.

Konstruktiv masalalar yechish jarayonida talabalar matematik bilimlarni o'rganadigan fanlar ichida asosiylaridan biri matematika hisoblanadi. Ularga matematikani o'qitishda sezilarli o'zgarishlar ro'y beryapti. Boshlang'ich sinf matematikasining rivojlantirish vazifasini kuchaytirishga e'tibor qaratilyapti. Hozirgi paytda boshlang'ich sinfdagi bir nechta dasturlardan (M. Axmedov va boshq. N.U. Bikbayeva, E. Yangiboyeva va boshqalar) foydalanilmoqda. Konstruktiv masalalar yechish jarayonida talabalar matematik bilimlarini rivojlantirishga yo'naltirilgan, yangi paydo bo'lgan muqobil darsliklarda vazifalar soni ko'paytirilgan; bu vazifalarda yechishning boshqa usulini topish, berilgan shartga boshqa savol qo'yish va hokazolar talab qilinadi. L.Sh. Levinbergning fikricha, masalani yechishda xilma-xil variantlarni qo'llashni, yechim usullarini birma-bir ko'rib chiqish natijasidagi muqobillik oldindan ma'lum usullarni qo'shib ishlatish o'quvchilarning ijodiy shaxs sifatida rivojlanishiga ko'proq yordam beradi [2].

Shu bilan bir qatorda, L.Sh. Levinberg, E. Yangiboyeva, T.P. To'laganov, G.D. Gleyzer, A.M. Pishkalovlarning takidlashicha, aynan geometrik material o'zining geometrik topshiriqlar yechimiga ko'rgazmali va ijodiy yondashuvlari evaziga boshlang'ich sinf o'quvchisining shaxs sifatida rivojlanishiga ko'maklashadi [3].

Ushbu jarayonning nechog'lik ustuvorligi O'zbekiston Respublikasi Prezidentining 07.05.2020 yildagi, N PQ-4708 "Matematika sohasidagi ta'lim sifatini oshirish va ilmiy-tadqiqotlarni rivojlantirish chora-tadbirlari to'g'risida" gi qarorida ham o'z aksini topgan [1].

Sh.A. Alimov va boshqalar tomonidan yaratilgan umumiy o'rta ta'lim maktablarining 7-sinfi uchun "algebra" darsligida, taqiqot ishimizga doir quyidagi jummalarni uchratamiz.

$(a + b)^3 = a^3 + 3a^2b + 3ab^2 + b^3$ formulaga qanday geometrik ma'no bera olasiz?

Nuqtalar o'rniga mos so'zlarni qo'ying.

Qirrasining uzunligi a va b bo'lgan ... yasaymiz. O'lchamlari $a \times a \times b$ va $a \times b \times b$ bo'lgan ... yasaymiz. Ularni shunday taxlaymizki, ... hosil bo'ladi [4.113].

Maqolada bo'lajak boshlang'ich sinf o'qituvchilariga nuqtalar o'rniga mos so'zlarni topishlarida tavsiyalar keltirilgan. Agar nuqtalarni to'ldirib chiqadigan bo'lsak, quyidagicha jumlar hosil bo'ladi.

Javob. Qirrasining uzunligi a va b bo'lgan *kublarni* yasaymiz. O'lchamlari $a \times a \times b$ va $a \times b \times b$ bo'lgan *3 donadan qilib parallelepipedlarni* yasaymiz. Ularni shunday taxlaymizki, *natijada $a + b$ o'lchamli yagona kub* hosil bo'ladi.

Ushbu adabiyotda masala yechimi va $a + b$ o'lchamli kubni hosil qilish jarayoni amalda ko'rsatilmagan. Biz tadqiqot ishimizda masalaning shu tomoniga e'tiborimizni qaratdik.

$$(a + b)^3 = a^3 + 3a^2b + 3ab^2 + b^3 \quad (1)$$

(1) tenglikning rostligini bo'lajak boshlang'ich sinf o'qituvchilariga konstruktiv usulda o'rgatish metokisani ko'rib chiqaylik. Buning uchun bizga ikkita kub va 6 ta parallelepiped (ikki xil o'lchamli) kerak bo'ladi.

1) 1-kub qirralari uzunligi a ga teng, u 1-rasmda ko'k rangda berilgan. Uning hajmi quyidagicha aniqlanadi

$$V_{kok} = a^3 \quad (2)$$

2) 2-kub qirralari uzunligi b ga teng, u 2-rasmda yashil rangda berilgan. Uning hajmi quyidagicha aniqlanadi

$$V_{yashil} = b^3 \quad (3)$$


3) 1-parallelepiped o'lchamlari: a, b, b u quyida binafsha rangda berilgan bo'lib (3-rasmga qarang), hajmi quyidagicha aniqlanadi

$$V_{abb} = ab^2 \quad (4)$$

4) 2-parallelepiped o'lchamlari: a, a, b u quyida sariq rangda berilgan bo'lib (5-rasmga qarang), hajmi quyidagicha aniqlanadi

$$V_{aab} = a^2b \quad (5)$$


Dastavval o'qituvchi o'quvchilarga berilgan kub va parallelepipedlarni birlashtirib yig'ishni ko'rsatadi. Quyida yig'ilish jarayoni ko'rsatilgan.



1-rasm. Qirralari a ga teng ko'k rangli kub



2-rasm. Yashil rangli kubning qirralari b ga teng



3-rasm. Qizil rangli parallelepipedning o'lchamlari $a \times b \times b$ dan iborat


1-qadam: 1-rasmda berilgan ko'k rangli kub yoniga 2-rasmdagidek yashil kubni joylashtiramiz, kublar hajmlariga nisbatan qaralsa 2-rasmdagi ko'rinish ilmiy jihatdan quyidagicha teng.

$$V_{kok} + V_{yashil} = a^3 + b^3 \quad (6)$$

2-qadam: Birinchi binafsha rang parallelepipedni 3-rasmda ko'rsatilganidek joylashtiramiz, bunda (6) tenglik quyidagi ko'rinishni oladi.

$$V_{kok} + V_{yashil} + V_{abb} = a^3 + b^3 + ab^2 \quad (7)$$

3-qadam: Ikkinchi binafsha rang parallelepipedni 4-rasmda ko'rsatilganidek joylashtiramiz, bunda (7) tenglik quyidagicha teng bo'ladi.



4-rasm



5-rasm. Sariq rangli parallelepipedning o'lchamlari $a \times a \times b$ dan iborat



6-rasm


$$V_{kok} + V_{yashil} + 2V_{abb} = a^3 + b^3 + 2ab^2 \quad (8)$$

4-qadam: Birinchi sariq rangli parallelepipedni 5-rasmda ko'rsatilganidek joylashtiramiz, bunda (8) tenglik quyidagicha o'zgaradi.


$$V_{kok} + V_{yashil} + 2V_{abb} + V_{aab} = a^3 + b^3 + 2ab^2 + a^2b \quad (9)$$

5-qadam: Uchunchi binafsha rangli parallelepipedni 6-rasmda ko'rsatilganidek joylashtiramiz, natijada (10) tenglik hosil bo'ladi.

$$V_{kok} + V_{yashil} + 3V_{abb} + V_{aab} = a^3 + b^3 + 3ab^2 + a^2b \quad (10)$$



7-rasm



8-rasm. $a + b$ o'lchamli kub

6-qadam: Ikkinchi sariq rangli parallelepipedni 7-rasmda ko'rsatilganidek joylashtiramiz, bunda (10) tenglik quyidagicha o'zgaradi.

$$V_{kok} + V_{yashil} + 3V_{abb} + 2V_{aab} = a^3 + b^3 + 3ab^2 + 2a^2b \quad (11)$$

7-qadam: Va so'ngi sariq rangli parallelepipedni 8-rasmda ko'rsatilganidek joylashtiramiz, bunda (11) tenglik quyidagicha o'zgaradi.

$$V_{kok} + V_{yashil} + 3V_{abb} + 3V_{aab} = a^3 + b^3 + 3ab^2 + 3a^2b \quad (12)$$

Biz kutilayotgan natijaga erishdik, 8-rasmda qirralari uzunligi $a + b$ ga teng bo'lgan kub hosil bo'ldi. Bu kubning hajmi esa (13) ga teng.

$$V_{8-rasm} = (a + b)^3 \quad (13)$$

8-rasmdagi kubni hosil qilish uchun esa 2 ta kub, 6 ta parallelepiped ishlatildi. Xulosa qilib shuni aytishimiz mumkin 8-rasmda keltirilgan kubning hajmi uni hosil qilish uchun foydalanilgan ko'k va yashil rangli kublarning hamda oltita sariq va binafsha rangli parallelepipedlarning hajmlari yig'indisiga teng ekan.

$$V_{8-rasm} = V_{kok} + V_{yashil} + 3V_{abb} + 3V_{aab} \quad (14)$$

(14) ga (13) va (12) larni qo'yib, quyidagi tenglikni hosil qilamiz


$$(a + b)^3 = a^3 + b^3 + 3ab^2 + 3a^2b \quad (15)$$

(15) esa (1) tenglikka teng kuchli, shu bilan ikki son yig'indisining kubi formulasi konstruktiv usulda to'liq isbot bo'ldi.


Yuqorida yig'indining kubini ifodalovchi algebraik tenglikni konstruktiv usulda isbot qildik, quyida ushbu isbotni kublar ayirmasi uchun qarab chiqamiz.

$$a^3 - b^3 = (a - b)(a^2 + ab + b^2) \quad (15)$$

(15) tenglikning to'g'riligini konstruktiv yo'l bilan isbot qilamiz. Buning uchun 9-rasmda keltirilgan uch dona parallelepipedni olamiz. Ushbu olingan parallelepipedlarning o'lchamlari (eni, bo'yi, balandligi tartibida): 1) $a, a, a - b$ 2) $b, a, a - b$ 3) $b, b, a - b$




9-rasm. O'lchamlari 1) $a, a, a - b$ 2) $b, a, a - b$ 3) $b, b, a - b$ tadan iborat parallelepipedlar




10-rasm

11-rasm



12-rasm



13-rasm

1) $a, a, a - b$ o'lchamli parallelepipedning hajmi 10-rasmda keltirilganidek,

$$V_{aa(a-b)} = a^2(a - b) \quad (16)$$

2) $b, a, a - b$ o'lchamli parallelepipedning hajmi 11-rasmda keltirilganidek,

$$V_{ab(a-b)} = ab(a - b) \quad (17)$$

3) $b, b, a - b$ o'lchamli parallelepipedning hajmi 12-rasmda keltirilganidek,

$$V_{bb(a-b)} = b^2(a - b) \quad (18)$$

Agarda berilgan 3 ta parallelepiped birgalikda yig'ilsa 13-rasmda keltirilgan geometrik figura hosil bo'ladi.

Ushbu manzara shunga imkon beradiki, qirrasiz uzunligi a ga teng bo'lgan kubda qirrasiz uzunligi b ga teng bo'lgan kubning yo'qligini ko'rishimiz mumkin (13-rasmga qarang). Ushbu jismning hajmi quyidagicha aniqlanadi. $V = a^3 - b^3$

Xulosa qilib shuni aytish mumkinki, 7-rasmda berilgan uchala parallelepiped hajmlari yig'indisi 11-rasmda keltirilgan jism hajmiga teng va u quyidagicha bayon qilinadi.

$$V = V_{aa(a-b)} + V_{ab(a-b)} + V_{bb(a-b)}$$

Bundan esa, (16), (17), (18) tengliklarni hisobga olib quyidagi tenglikni yoza olamiz. Bu esa (15) tenglikka teng kuchli.

$$a^3 - b^3 = (a - b)(a^2 + ab + b^2)$$

Shu bilan (15) tenglik konstruktiv usulda to'liq isbot bo'ldi.

Xulosa va tavsiyalar

Tadqiqot ishida keltirilgan yig'indining kubi hamda kublar ayirmasi nomi bilan ataluvchi algebraik tengliklarning rostligi, kub va parallelepipedlarning hajmlari orqali konstruktiv usulda isbot qilinishi, bo'lajak boshlang'ich sinf o'qituvchilarining matematik kompetentliklarini oshirishda samarali natija beradi.

Bo'lajak boshlang'ich sinf o'qituvchilarining matematik kompetentligini, bugungi kunning talabi darajasiga olib chiqishdagi asosiy vazifalardan biri ularning nazariy bilimlarini amaliyotda qo'llay olishiga o'rgatishdan iborat. Maqolada masalaning ushbu jihatiga atroflicha e'tibor qaratilgan.

Ushbu tadqiqot ishida yoritilgan, isbotlashning konstruktiv texnologiyasini 7-sinf algebra darsligiga manba sifatida kiritish mumkin, bu bilan darslikning amaliyotda qo'llanilish darajasi jadallashadi.

Yosh pedagoglarga, o'zlarini qiziqtirgan algebraik tengliklarning isbotini konstruktiv usulda bajarib ko'rishlarini tavsiya qilamiz.

Adabiyotlar

1. O'zbekiston Respublikasi Prezidentining qarori 07.05.2020 y. N PQ-4708 "Matematika sohasidagi ta'lim sifatini oshirish va ilmiy-tadqiqotlarni rivojlantirish chora-tadbirlari to'g'risida Prezident qarori".
2. Левнберг Л.Ш. Рисунки, схемы и чертежи. В начальном курсе математики. 1978.
3. Глейзер Г.Д. Геометрия 6-9, учебное пособие для вечерн/сменной/школы. 1976.
4. Alimov Sh.A., Xolmuhamedov O.R., Mirzaahmedov M.A. Algebra (umumiy o'rta ta'lim maktablarining 7-sinfi uchun darslik). – Toshkent: "O'qituvchi", 2017.

REZYUME

Maqolada bo'lajak boshlang'ich sinf o'qituvchilariga algebraik tengliklarni kub va parallelepipedlarning hajmlaridan foydalanib konstruktiv usulda o'rgatish texnologiyasi bayon etilgan.

РЕЗЮМЕ

В статье описана технология обучения будущих учителей начальных классов алгебраическим уравнениям в конструктивной форме с использованием размерностей кубов и параллелепипедов.

SUMMARY

The article describes the technology of teaching algebraic equations to pre-service primary school teachers in a constructive way using the dimensions of cubes and parallelepipeds.

БЎЛАЖАК ТАРБИЯЧИЛАРНИ КАСБИЙ ФАОЛИЯТГА ТАЙЁРЛАШДА ИНКЛЮЗИВ КОМПЕТЕНТЛИКНИ РИВОЖЛАСТИРИШ – ПЕДАГОГИК МАУММО СИФАТИДА

Д.Н.Қаюмова - таянч докторант

Т.Н.Қори Ниёзий номидаги Ўзбекистон Педагогика фанлари илмий тадқиқот институти

Таянч сўзлар: инклюзив, инклюзив таълим, шарт-шароитлар, кадриятли, ижтимоий ва меъёрий шарт-шароитлар, гуманистик тарбия

Ключевые слова: инклюзивное, инклюзивное образование, условия, ценности, социально-нормативные условия, гуманистическое воспитание.

Key words: inclusive, inclusive education, conditions, values, social and normative conditions, humanistic education.

Мамлакатимизда ривожланишида турли нуқсонлари бўлган ҳамда даволанишга ва соғломлаштиришга мухтож бўлган болаларнинг ижтимоий кафолатларини таъминловчи чора-тадбирлар самарадорлигини ошириш, уларнинг таълим-тарбия олишларида мослашув мухитини яратиш мақсадида имконияти чекланган болалар учун ихтисослаштирилган давлат таълим муассасалари ташкил этилган.

Бугунги кунда имконияти чекланган болалар учун ихтисослаштирилган давлат таълим муассасалари (кейинги ўринларда – ихтисослаштирилган таълим муассасаси) ривожланишида турли нуқсонлари бўлган ҳамда даволанишга ва соғломлаштиришга мухтож бўлган болаларга таълим-тарбия бериш, коррекциялаш ва даволаш-соғломлаштириш ҳамда уларнинг жамиятга мослашuvi ва интеграциялашuviда кўмаклашиш вазифаларини амалга ошириб келмоқда[6].

Ҳозирги вақтда мутахассисларни инклюзив таълим соҳасидаги фаолиятга касбий тайёрлаш долзарб муаммолардан бири бўлиб, Ўзбекистоннинг энг кучли илмий-педагогик мактабларининг иш фаолияти унинг ечимини топишга қаратилган. Инклюзив таълим ривожланишини жадаллаштириш, уни амалга ошириш бўйича педагогик кадрларни тайёрлашга бўлган эҳтиёж бўлажак тарбиячиларни касбий фаолиятга тайёрлашга ўзига хос талаблар қўяди.

Инклюзив таълим ногиронлиги бўлган болаларга нисбатан ҳар қандай камситишни истисно этадиган, барча учун тенг муомалани таъминлайдиган, лекин махсус таълим эҳтиёжига эга болалар учун зарур шароит яратадиган мафкурага асосланади.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясида барча учун таълим олиш ҳуқуқи кафолатланган. Миллий қончилигимизда ҳам ногиронлиги бўлган шахслар учун салоҳиятларини юзага чиқаришда тенг ҳуқуқлар белгиланган. Мактабга қатнай олмайдиган имконияти чекланган болаларнинг уй шароитида ўқитилишига давлатимиз томонидан алоҳида аҳамият бериламоқда.

Кенг маънода шарт-шароитлар сифатида айрим ҳаракатларни амалга оширишга ундайдиган турли хил асослар ва рағбатлар, шунингдек дунё тўғрисидаги мавжуд билимлар тизими ҳам бўлиши мумкин. Илмий методология нуқтаи назардан шарт-шароитлар тадқиқотнинг маълум бир соҳасида пайдо бўладиган муаммолари вазият билан белгиланади. Қўлланиладиган назария орқали башорат қилинадиган ва реал тадқиқий ишлар жараёнида олинadиган натижалар ўртасидаги салмоқли номуносивбликлар, тафовутлар, маълум бир назарий тизимдаги элементлар ўртасидаги ички номувофиклик юзага келадиган қарама-қаршиликларни бартараф қилиш заруратини туғдиради ва бу ҳолат келгуси илмий тадқиқот учун мотивацияга замин яратади. Шу боисдан шарт-шароитларни иккита катта гуруҳга ажратиш мумкин: биринчисига изланиш фаолиятининг йўналиши ва хусусиятларини белгиловчи турли хилдаги эмпирик омиллар қиради, иккинчисига турли хилдаги назарий фаразлар қиради.

Бизнинг фикримизча, у ёки бу ҳодисанинг пайдо бўлиш замирида кадриятли, ижтимоий ва меъёрий

шарт-шароитлар мажмуаси ётади, қайсики унинг тизим сифатида шаклланишга бўлган эҳтиёжини таъминлайди. Инклюзив таълим тизими учун педагогларни касбий тайёрлаш масаласи ҳам бундан мустасно эмас. Замонавий таълим вазиятида юзага келишини белгилаб берувчи шарт-шароитлар мажмуасини тавсифлаб чиқамиз.

Қадриятли шарт-шароитлар сифатида биз шахснинг гуманистик тарбиялаш ғоялари ва инсонда толерантлик онгининг шаклланишини кўриб чиқамиз. Инсон онгли равишда ўзининг дунёни идрок қилиши қобилиятини сўз орқали ифодаланадиган тушунчалар ва ҳиссиётга бой образлар орқали амалга оширади ҳамда уни умумлаштирилган субъектив модел сифатида талқин қилади. Айнан гуманистик тарбия шахс онгининг таркибига мақсадли таъсир этиш жараёни сифатида «шахс ҳаёт фаолиятининг перцептив, эмоционал, когнитив ва коммуникатив соҳаларга тегишли бўлган қатор компонентлар йиғиндисини ўзида мужассам этган» [3:104] толерант инсон онгининг муваффақиятли тарзда шаклланишга сабаб бўлади.

Д.М. Абдуразакованинг фикрича, «гуманизм кенг маънода инсон ҳаётининг ўз қадрини тан олиши асосида ҳаёт тарзини йўлга қўйишнинг умумий тамойилини англатади. Бундай кўринишда у дунёнинг деярли барча халқларнинг маънавий тарихида кузатилади ва бу унинг универсаллиги, мукамаллигидан далолат беради. «Гуманизация» тушунчаси инсоннинг ўз-ўзини англаш ва атрофдаги оламни «инсонийлаштириш»ни англатган ҳолда мазкур ҳолатнинг жараёнлигини акс эттиради» [3:104].

Мавжуд барча имкониятларни ишга солиш учун шароитлар яратиш кафолатини берувчи махсус эҳтиёжларни қондириш ҳуқуқини мустаҳкамловчи турли-туман хусусиятларга эга бўлган инсонлар жамиятига қўшишни назарда тутувчи кенг инклюзия ғоялари асосида айнан инсоннинг гуманистик толерант онги унинг инклюзив оламдаги ўрнини белгилаб беради.

Д.М. Абдуразакова томонидан гуманистик дунёқарашнинг асосий тамойиллари ифодаланган бўлиб, бизнинг фикримизча, улар инклюзиянинг кадриятли негизлари шаклланишини бугунги куннинг янгиланган ҳаётий фалсафаси сифатида белгилаб беради. Инсоннинг маънавий кадриятларга эришиши, ўзлигини, инсонийлигини англаши ҳамда бошқа инсоннинг барча кўринишдаги ҳуқуқларини тан олиши, «инсоннинг муносиб ҳаёт кечиришининг ажралмас қисми сифатида меҳнат ва ижоднинг тан олиниши» [3:108]; инсонни барча мураккаб жиҳатлари билан англаш; «турли хил ва ҳатто мос келмайдиган қизиқиш ва манфаатларга эга бўлган одамларни бирлаштирувчи ҳуқуқий давлат ғоясини руёбга чиқаришга интилиш; инсон ҳуқуқларига шак-шубҳасиз риоя қилиш, инсон эркинлиги ва ҳаёти кадрининг боқийлиги ва ўзгармаслиги; шахснинг ҳар томонлама маълумотли ва баркамол ривожланишига интилиш; реал ҳаёт ҳамда анъанавий оилавий кадриятларга таяниш; табиат билан экологик жиҳатдан асосланган ўзаро уйғунликка интилиш, унинг қонуниятлари ва ички алоқаларини ўрганиш» [3:108.] – буларнинг барчаси, бизнинг фикримизча, гуманистик дунёқарашнинг мукамал

тамоийллари ва инклюзив жамиятнинг кадриятли тимсоллари ва йўналишлари ҳисобланади.

Инклюзиянинг кадриятли майдонини шакллантириш асносида инсон образини унинг барча қирралари билан бирга қабул қилишга қодир баркамол шахсни тарбиялаш имконини берувчи халқ педагогикаси кадриятлари алоҳида қизиқиш уйғотади. Тадқиқий изланишларнинг мазкур йўналиши Б.Ш.Алиеванинг ишларида кенг ёритилган [7:95].

Д.М.Маллаев ва О.А. Бажукова кадриятли-йўналтирилган онгнинг шаклланиш ғоясини талқин қилишган. «Атрофдаги олам ҳамда инсоннинг турли хил ижтимоий гуруҳлар, таълим тизимлари муҳитида бўлиши унинг онги ва айрим манфаатдор томонларнинг кўзлаган мақсадларига қараб унинг ҳатти-ҳаракатларини моделлаштириш турлича кечиши мумкин бўлган жараёнларга таъсир этади» [8:445]. Кадриятли-йўналтирилган онгнинг шаклланиши шахснинг умуминсоний, маданий, маънавий-ахлоқий ва этник кадриятларни қабули қилиши асосида кечади. Шундай қилиб, инсон ўзининг ҳатти-ҳаракатлари орқали кўчиришга тайёр кадриятлар мағзи яратилади. РТА аъзоси Д.М. Маллаев кадриятли-йўналтирилган педагогик муҳитни яратиш заруратини таъкидлайди ва инклюзив таълим ғоялари асносида жуда ҳам долзарб ҳисобланган “замонавий педагогика ҳамжамияти таълим-тарбия жараёнида ўқувчиларга нисбатан инсоний-шахсий ёндашувда бўлмоғи ва бундай ёндашувни англамоғи лозим”лиги тўғрисида айтади» [9:119].

Юқорида номлари тилга олинган муаллифлар томонидан ифодаланган назарий таърифлар ва фикрларга қўшилган ҳолда педагогик кадрларни инклюзия шароитларида ишлашга касбий тайёрлаш

тизимини шакллантириш заруратини белгилаб берувчи инклюзив таълимнинг асосий кадриятли йўналишларини кўриб чиқамиз.

А.П.Сманцер қуйидагича фикр билдиради: «бўлажак ўқитувчиларни тайёрлашда муҳим кадриятли устувор йўналишлар объекти сифатида қуйидагиларни белгилайди: шахсий муносабатлар, болалар, махсу таълим эҳтиёжлари, инклюзия, инклюзив билимлар, кўникмалар, компетенциялар, инклюзив таълим муҳити, касбий таълим, ўз-ўзини ривожлантириш, соғлом турмуш тарзи. Улар орасида шунингдек боланинг мослашиши ва яққаланиб қолиши, таълим фалсафаси ва психологияси, педагогика, ўқитиш методикаси ва б.» [10:3].

К.И.Воробьева, И.А.Макарова ва Л.В.Блиновларнинг ҳақли равишда таъкидлашларича, «инклюзияда биринчи галдаги масала сифатида инсоннинг кадр-қиймати назарда тутилади, яъни унинг барча хусусиятлари ва ўзига хос жиҳатлари билан бирга мустақил равишда билим эгаллаши, ўз-ўзини англаши, шу жумладан, унинг таълим олиши ҳам. Бундай ёндашув айниқса бутун ҳаёти давомида (lifelong learning) билим олишга интилувчан “таълим олувчилар жамияти” шароитларида муҳим ва аҳамиятларидир. “Таълим олувчилар жамияти” учун кадрият унинг ҳар бир аъзоси ривожланганлиги билан ўлчанади, чунки бундай ютуқлар умумий, жамоавий ютуқларнинг негизи ҳисобланади» [11:108].

Шундай қилиб, кадриятли шарт-шароитлар мазмуни, бир томондан, инсон феноменини абсолют, барқарор кадриятлар муҳитида идрок қилишдаги ўзгаришлар билан боғлиқ бўлса, иккинчи томондан, у инсоннинг шахсий кадриятлар муҳитидаги илдамловчи ўзгариш билан белгиланади.

Адабиётлар

1. Воспитание будущего педагога инклюзивного образования. Научно-методический сборник по итогам работы ГЭП на базе ПК №10. Выпуск 1. / Научн. Ред. Ткаченко Е.В. – М.: АНО Центр ИРПО, 2010.-192 С.
2. Воспитание будущего педагога: Программа воспитательной работы ГОУ Педагогического колледжа №10 на 2009-2012 годы / Научный редактор Ткаченко Е.В. – М.: Типографский отдел НП «АПО», 2009, - 79 С.
3. Примерное содержание программ дополнительной подготовки в области инклюзивного образования. Для педагогических работников и родителей/ Научн. Ред. Ткаченко Е.В. – М.: АНО Центр ИРПО, 2010.-100 С.
4. Принципы воспитания будущего педагога в современных условиях / Научно- методический сборник / Научный редактор Ткаченко Е.В. – М.: Типографский отдел НП «АПО», 2009, - 198 С.
5. Ткаченко Е.В. Воспитание с ориентацией на зону ближайших интересов молодежи. // «Новые педагогические исследования» приложение к журналу Профессиональное образование, №3, 2005, С. 3-11.
6. <https://regulation.gov.uz/uz/document/17141>
7. Магомедова И.М., Алиева Б.Ш. Роль и значение средств народной педагогики в воспитании гармоничной личности // Мир науки, культуры, образования. 2015. № 2(51). С. 94-96.
8. Маллаев Д.М., Бажукова О.А. Ценностно-ориентированное сознание в контексте психологии и квантовой физики – единство материального и духовного в развитии человека // От истоков к современности: 130 лет организации психологического общества при Московском университете: сборник материалов юбилейной конференции в 5 томах. – М.: Издательство Когито-Центр, 2015. С. 447-447.
9. Маллаев Д.М. Гуманизация общего и специального образования как фактор создания ценностно-ориентированной педагогической среды // Педагогическое образование и наука. 2014. № 6. С. 117-119.
10. Сманцер А.П. Приоритеты и ценностно-смысловое отношение к инклюзивному образованию: глазами студентов классического университета // Вестник Полоцкого государственного университета. Серия Е: Педагогические науки. 2015. № 7. С. 2-8.
11. Воробьева К.И., Макарова И.А., Блинов Л.В. Аксиологические аспекты инклюзивного образования // Педагогическое образование и наука. 2016. № 2. С. 106-109.

РЕЗЮМЕ

Маколада бўлажак тарбиячиларни касбий фаолиятга тайёрлашда инклюзив компетентликни ривожлантириш педагогик муаммо сифатида талқин қилинади. Инклюзив компетентликни ривожлантириш кадриятлар тизими ва кадриятли шарт-шароитлари илмий таҳлил этилади.

РЕЗЮМЕ

В статье развитие инклюзивной компетентности при подготовке будущих педагогов к профессиональной деятельности трактуется как педагогическая проблема. Научно проанализированы система ценностей и ценностные условия для развития инклюзивной компетентности.

SUMMARY

In the article, the development of inclusive competence in preparing future teachers for professional activity is interpreted as a pedagogical problem. The system of values and conditions for the development of inclusive competence have been scientifically analyzed.

ЮҚОРИ МАЛАКАЛИ ФУТБОЛЧИЛАРНИНГ МУСОБАҚА ДАВРИ ЎЙИНЛАРАРО ЦИКЛЛАРИ УЧУН МАШҒУЛОТ ДАСТУРЛАРИНИ ИШЛАБ ЧИҚИШДА ЗАМОНАВИЙ ЁНДАШУВЛАР

Ж.Комилов – педагогика фанлари номзоди, доцент

Ш.Сарибоев – педагогика фанлари номзоди, доцент

Ф.Каримов – ассистент ўқитувчи

Гулистон давлат университети

Таянч сўзлар: юқори малакали футболчи, мусобақа фаолияти, машғулот, жисмоний юклама, микроцикл, техник-тактик ҳаракатлар, жисмоний тайёргарлик, спорт формаси, педагогик назорат.

Ключевые слова: высококвалифицированный игрок, соревновательная деятельность, тренировка, физическая нагрузка, микроцикл, технико-тактические действия, физическая подготовка, спортивная форма, педагогический контроль.

Key words: highly qualified players, competitive activity, training, physical activity, micro cycle, technical and tactical movements, physical training, sport uniform, pedagogical control.

Сўнгги йилларда халқимизнинг саломатлиги тўғрисида ғамхўрлик қилиш, маънавий ва жисмоний баркамол авлодни шакллантириш, миллионлар ўйини бўлган ва мамлакатимизда алоҳида ўрин тутадиган спортнинг футбол турига аҳолини, айниқса, ёшларни кенг жалб этиш ҳамда машғулотлар жараёнини инновацион режалаштириш орқали юқори натижаларга эришиш бўйича бир қатор чора-тадбирлар амалга оширилиб келимокда [2,3,4].

Илмий-тадқиқот натижаларига кўра сўнгги йилларда юқори малакали спортчиларни тайёрлаш тизими икки йўл билан ривожланаётганлиги кузатилмокда. Улардан бири – машғулот ва мусобақа юкломлари ҳажми ва жадаллигини кўпайтириш орқали бўлса, иккинчиси, – машғулот ва мусобақа юкломлари тузилишининг спортчи организмга кўрсатадиган таъсири, юкломларнинг турли хил таркибий қисмлари, юкломлар тузилиши динамикасининг машғулот босқичларида шуғулланувчиларнинг тайёргарлик даражасига таъсири ҳақидаги маълумотларга асосланган ҳолда режалаштиришдир [6,7,9].

Кейинги жаҳон ва Осиё чемпионати футболда етакчи жамоалар ўйинларида, бир томондан ўйинчиларнинг шуғулланганлик даражасининг ўсганлиги, бошқа томондан, уларнинг майдондаги ўзаро ҳаракатлари самарадорлигига таъсир кўрсатиш услубларини такомиллаштириш билан боғлиқ аҳамиятли ўзгаришлар содир бўлаётганлигини кўрсатмокда [10,12,13]. Демак, ўйиннинг кейинги ривож асосан, ўйинчиларнинг майдондаги жамоавий ўзаро ҳаракати тузилмасини такомиллаштиришга боғлиқ, чунки жамоавий ўйинни талаб даражасида ташкил этиш билангина ғалабага эришиш мумкин.

Бу ҳолатни бугунги кунда асосан, футболчиларни индивидуал ва гуруҳли ҳаракатларини сифатли таҳлил қилишга имкон берувчи мусобақа фаолиятини илмий асосланган, тизимли таҳлил этиш билангина баҳолаш мумкин.

Кўп сонли тадқиқотлар ва етакчи амалиёт тажрибаларидан тўпланган маълумотлар таҳлили шуни кўрсатадики, футболчилар тайёргарлигини бошқаришда энг муҳим ва мураккаб бўлимлардан бири-мусобақа фаолиятини назорат қилиш ҳисобланар экан.

Бу жараённинг мураккаблилиги кўпгина сабабларга боғлиқ. Биринчидан, футбол метрлаб ўлчаб бўлмайдиган спорт фаолияти турларига тегишли, якуний натижалар эса балларда баҳоланмайди. Иккинчидан, ҳимоя ва ҳужумда ҳилма-ҳил тактик ўзаро ҳаракатлар, кўпсонли вариативлик ва низоли вазиятларни назарда тутувчи спорт беллашувининг жамоавий тавсифи, ўз ортидан самарадорликни баҳолашда субъективизм улушини жалб қилади. Учинчидан, футболнинг универсаллашуви ва жадаллашуви футболчилар мусобақа фаолиятини баҳолашнинг объектив мезонларини ишлаб чиқиш заруриятига жиддий талаблар қўймоқда [9,10].

ФИФА аналитиклари томонидан ўйин жараёнида бош мураббий бир ўйин мобайнида қанча ўйин эпизодларини эслаб қолиши бўйича тадқиқотлар ўтказилди. Ҳатто энг тажрибали мураббийлар ҳам

диққат билан ўйинни кузатиб боришган бўлишларига қарамай, майдондаги вазиятларнинг 35% инигина эслаб олдилар. Қолганлари, албатта – “ўлик зона”. Бутун майдонни қамраб олиш ва ким қаерда турибди, ҳаракатларни тўғри ёки нотўғри бажараётганини тушуниш анча мураккаб вазифа. Бунинг учун албатта ўйиндан кейинги таҳлил жуда муҳим ҳисобланади [8,9,10,13].

Спорт ўйинларида спортчи ҳаракатларини рўйхатга олишнинг турли шакллари қўлланилади. Қоида бўйича, рўйхатлаш муваффақиятли бажарилган техник-тактик ҳаракатлар ва йўл қўйилган ҳатолар сонини қайд этиш билан амалга оширилади. Бундай рўйхат футбол жамоасининг асосий техник-тактик ҳаракатларини ривожлантиришда умумий ғояларни аниқлашга ёрдам бериши мумкин, бироқ алоҳида спортчиларнинг самарали ҳаракатларини аниқлаш учун етарли эмас.

Техник-тактик ҳаракатларни рўйхатлаш қуйидагича тарзда ўтказилди. Рақамли видеокамерага ўйинчиларнинг барча ҳаракатлари ёзилди, сўнг махсус баённомага “плюс” ва “минус” баҳолаш билан техник-тактик ҳаракатлар кiritилди. Қуйидаги ўйин параметрлари баҳоланди:

- 1) олдинга, орқага ва майдонда қўндаланг бажарилган қиска, ўрта ва узун тўп узатишлар;
- 2) тўпни олиб юриш;
- 3) тўпни олиб қўйиш ва ўтиб олиб қўйиш (перехват);
- 4) рақибни айланиб ўтиш;
- 5) бош билан ўйин;
- 6) жарима ва бурчак тўплари;
- 7) дарвозага зарбалар.

Ҳар бир ўйин усули бўйича уларнинг умумий сонидан хато бажарилган усулларга нисбатан аниқланган ҳатоликлар фоизи ҳисоблаб чиқилди.

Машғулот юкломасининг ҳажми йиллик циклни турли босқичларида сарфланган дақиқалар, соатлар билан ҳисобланди. Бундан ташқари, қуйидаги юклама параметрлари: давомийлиги, такрорланишлар сони, машқлар ва сериялар орасида дам олиш вақти, дам олиш тавсифи, сериялар сони, бир серияда такрорлашлар сони ўрганиб чиқилди.

Мусобақа фаолияти даражасини баҳолаш 2018 йилги жаҳон чемпионати, 2019 йил ОФК Кубоги якунлари бўйича, ОФК чемпионлар лигаси ўйинларида ва “Суперлига” жамоалари орасида Ўзбекистон чемпионатлари давомида ўтказилди.

Ҳозирги футболда футболчиларнинг жисмоний тайёргарлиги ҳақида ишончли ахборотга эга бўлмасдан замонавий тенденцияларга мос ўйинларни ташкил этиш қийин.

Бизнинг футболчилар иштирок этган турли даражадаги ўйинлар таҳлили шуни кўрсатадики, футболчиларимизнинг кўпчилигида жисмоний сифатларнинг ривожланиш даражаси замонавий ўйинлар талабига жавоб бермайди. Қуйида мамлакат чемпионатида иштирок этувчи “Бунёдкор” жамоаси футболчиларининг жисмоний тайёргарлик даражасини аниқлаш мақсадида олинган тест натижалари келтирилмокда (2-жадвал).

**“Бунёдкор” ПФК футболчиларининг жисмоний тайёргарлик даражасини аниқлаш
учун ўтказилган тест натижалари**

№	Ф.И.Ш.	Амплуа	10м.га югуриш (с)	30 м.га югуриш (с)	Моқисимо н югуриш (с)	Узунликка сакраш (см)	YO-YO тести (м)
1.	Ашурматов Р.	Ҳимоячи	1,90	3,96	64	278	2540
2.	Қобулов И	Ярим ҳимоячи	1,93	3,96	64	273	2540
3.	Ғадоев Ш	Ярим ҳимоячи	1,97	4,01	65	270	2540
4.	Рустамов Н	Ҳужумчи	1,90	4,03	66	270	2520
5.	Қодиркулов С	Ярим ҳимоячи	1,88	4,04	67	270	2440
6.	Иброҳимов Ж	Ярим ҳимоячи	1,90	4,09	67	268	2420
7.	Нурматов Ш	Ҳужумчи	1,89	4,09	69	265	2340
8.	Қосимов М	Ярим ҳимоячи	1,87	4,11	69	264	2320
9.	Мираҳмадов М	Ҳужумчи	1,90	4,12	69	260	2300
10.	Абдусаломов Ж	Ҳужумчи	1,93	4,14	70	257	2260
11.	Собирхўжаев С	Ярим ҳимоячи	1,91	4,15	70	257	2240
12.	Тошматов М	Ярим ҳимоячи	1,81	4,17	71	252	2180
13.	Абдуллаев М	Ҳимоячи	1,83	4,21	71	249	2120
14.	Ғиёсов Х	Ярим ҳимоячи	1,83	4,22	72	249	2060
15.	Икромов Ф	Ярим ҳимоячи	1,77	4,29	72	248	2020
16.	Адҳамов Э	Дарвозабон	1,84	4,51	-	247	-
17.	Комилов А	Ярим ҳимоячи	1,87	4,53	64	278	1780
18.	Султонов С	Дарвозабон	1,90	4,63	-	243	-
19.	Остонов У	Ярим ҳимоячи	1,92	4,17	63	255	1780
20.	Иззатов С	Ярим ҳимоячи	1,86	4,22	65	258	1480
Ўртача натижа			1,86	4,20	70	259	2220
Модел кўрсаткич (с)			1,65	4,00	59	280	2400


Натижалар таҳлили шуни кўрсатадики, футболчилар стардан ҳаракатланишнинг максимал тезлигини намоён этиши керак бўлган “10м.га югуриш”да тезкорлик сифатлари даражаси “қониқарли” бўлди, жамоа бўйича ўртача натижа 1,86сонияга тўғри келди. Бироқ, бу малакали футболчилар учун юқори натижа эмас. Модел кўрсаткич 1,65 сонияга тенг. Бу меъёр бўйича энг яхши кўрсаткич Ф.Икромов -1,77сония; энг ёмон кўрсаткич Ш.Ғадоевда -1,97сония кузатилди. Шуни алоҳида таъкидлаб ўтиш жоизки, улар ярим ҳимоя чизиги футболчилари бўлиб, ҳужумни ривожланиш тезлиги уларнинг тезкорлигига боғлиқ.

Жамоанинг мусобақа фаолияти кўрсаткичларидан бири бўлиб, футболчиларни ўйин фаоллиги ҳисобланади. Таҳлил учун “Бунёдкор” жамоасининг ОФК чемпионлар лигасида “Аль-Ахли” БАА билан саралаш ўйинлари доирасидаги ўйини танланди (1-расм).

Бу ўйинни танлашдан мақсад, ОФК чемпионлар лигаси футболчилар спорт маҳоратининг ҳақиқий даражасини текшириш мумкин бўлган юқори даражадаги мусобақа ҳисобланади.

Кўриниб турибдики, биринчи 15 дақиқада техник-тактик ҳаракатлар (ТТХ) сони 36% ҳатолик билан 90 тани ташкил этди. 16 дан 30- дақиқагача бўлган бўлақда ТТХлар сони ортган ва 109 та ташкил этган, шу билан бирга ҳатолик фоизи ҳам 29%гача пасайган. 31 дан 45- дақиқагача вақт оралиғида ТТХлар сони 84 тагача камайди, ҳатолик фоизи эса 44%гача кўпайди.

“Бунёдкор” жамоасининг “Аль-Ахли” жамоаси билан ўйиндаги ўйин фаоллиги



1-расм. Ўйинни 15 дақиқали бўлаги бўйича “Бунёдкор” футболчиларининг ўйин фаоллиги динамикаси

Иккинчи таймда футболчилар 104 та ТТХларни амалга ошириб, ўйинни фаол бошладилар, ҳатолик 52%ни ташкил қилди. 61 дан 75- дақиқагача вақт оралиғида ТТХлар сони 94тани, ҳатолик фоизи эса 34% ташкил қилди. Ўйиннинг якуновчи қисмида футболчилар фаоллиги 80 та ТТХларгача пасайди, ҳатолик фоизи ҳам шунга мувофиқ 56%гача ортди. Бу жамоа футболчиларининг жисмоний тайёргарлик даражаси бир хил эмаслиги билдиради. Бироқ ҳар бир таймда ўйин фаоллиги даражасини пасайиши ва ҳатоликлар сонини кўпайиши умумий тенденциясини кўриш мумкин.

“Бунёдкор” жамоаси футболчиларининг рақиб билан тўп учун “ҳавода яккама-якка беллашув” усулларида ойда маълумотлар таҳлили жуда қизиқарли (3-жадвал).

“Бунёдкор” жамоаси ҳимоячилари томонидан бажарилган тўп учун “ҳавода яккама-якка беллашувларда”ги ҳатоликлар сони (% ҳатолик)

№	Ф.И.Ш.	Жамоалар				
		Насаф Ҳатолик%	Пахтакор Ҳатолик%	Бўхоро Ҳатолик%	Навбахор Ҳатолик%	Локомотив Ҳатолик %
1	Комилов А.	33	45	34	30	52
2	Ашурматов Р	27	31	30	37	32
3	Бекбоев О	41	-	-	40	-

4	Қобулов И	-	31	28	-	25
5	Ғофуров А	21	-	-	23	-
6	Суюнов М	-	27	31	28	30

Жадвалдан кўриниб турибдики, турли ракиблар билан ўйинда “Бунёдкор” жамоаси ҳимоячиларининг йўл қўйган ҳатоликлари сони ҳам турлича бўлди – 21%дан 52%гача. Бош билан ҳавода тўп учун яккама-якка беллашувда энг яхши кўрсаткич А.Ғофуров – 21% ва М.Суюновга – 27%-31% тегишли. Ҳимоя чизигининг қолган футболчиларида ушбу ўйин элементида ўйин ишончилиги етарлича юқори бўлмади - ҳатолик 27% дан 52% гачани ташкил қилди. Ҳавода тўп учун курашдаги паст самарадорлик футболчиларда оёқ мушакларининг куч қобилятларини ривожланиш даражаси етарлича эмаслигидан ҳалолат беради.

Мамлакат чемпионатида жамоалар бир ўйинда ўртача 374,4та тўп узатишларни бажардилар, бу кўрсаткич ТТХлар умумий ҳажмининг 52,6%ни ташкил қилади.

Мамлакат чемпионлари бир ўйинда ўртача 489,8 та тўп узатишларни бажардилар, бу эса ТТХлар умумий ҳажмининг 58,3% ини ташкил этади. “Навбахор” жамоаси футболчилари бир ўйинда ўртача 374,4та тўп узатишларни бажардилар, бу эса ТТХ умумий ҳажмининг 52,6% ташкил қилади. Миллий терма жамоада бу кўрсаткич 540,3 тани ёки умумий ТТХларнинг 65% ини ташкил этди. Жамоанинг савияси қанчалик юқори бўлса, ТТХлардаги ҳатоликлар даражаси шунча паст бўлди.

Олинган натижалар таҳлили асосида қуйидаги хулосалар ва амалий тавсиялар шакллантирилди:

1. Юқори малакали футболчилар мусобақа фаолияти тадқиқоти натижаларига кўра шу аниқландики, Ўзбекистон миллий терма жамоаси футболчиларида “қадамда” ёки секин ҳаракатланиш билан бажарилган тўп узатишлар ҳажми – 68,4% ни, тезланиш билан бажарилган узатишлар – 29,2% ни ва максимал тезлик билан бажарилган узатишлар – 2,4% ни ташкил қилди. Бунда ҳатоликлар миқдори футболчиларнинг ҳаракатланиш тезлиги ошиши билан ўсиб боргани кузатилди: “қадамда” ва секин темпда – 7,2%; тезланишда – 40,1%, максимал тезликда – 52,7%.

Адабиётлар

1. Ўзбекистон Республикасининг 2015 йил 4 сентябрдаги “Жисмоний тарбия ва спорт тўғрисида”ги ЎРҚ-394-сон Қонуни. – Тошкент: «Халқ сўзи» газетаси, 2015 йил 5 сентябрь.
2. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёевнинг 2017 йил 3 июндаги “Жисмоний тарбия ва оммавий спортни янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-3031-сонли Қарори.-Тошкент. Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2017 й., 23-сон.
3. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёевнинг 2018 йил 16 мартдаги “Футболни ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-3610-сонли қарори. –Тошкент. «Халқ сўзи» газетаси, 2018 йил 17 март.
4. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 4 декабрдаги “Ўзбекистонда футболни ривожлантиришни мутлақо янги босқичга олиб чиқиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-5887-сон Фармони. Тошкент. «Халқ сўзи» газетаси, 2019 йил 5 декабрь.
5. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1996 йил 17 январдаги “Ўзбекистонда футболни ривожлантиришнинг ташкилий асослари ва принципларини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 27-сонли Қарори. -Тошкент. Спорт, 1996 йил 22 январь.
6. Акрамов Р.А. Футбол. Дарслик. –Тошкент: 2006, -С.406.
7. Годик М.А. Физическая подготовка футболиста. –М.: 2006, -С.270.
8. Годик М.А. Физическая подготовка футболистов в подготовительном периоде. // «Фан спорта», 2007. №3. - С. 18-23.
9. Исеев Ш.Т. Анализ планирования подготовки футболистов высокой квалификации в годичном цикле. // “Фан-спорта”, 2017. №4, 46-50-б
10. Исеев Ш.Т. Футболчиларни йиллик циклда тайёрлашни режалаштириш. Т., 2015. -460 б
11. Матвеев Л.П. Основы спортивной тренировки. Учебник. -М.: ФиС. 2017, -С. 543.
12. Нуримов Р.И. Ёш футболчиларни техник ва тактик тайёрлаш. -Т.: 2005, 125-б.
13. Талибжанов А.И. Юқори малакали футболчилар тайёрлашнинг замонавий тизими. Ўқув қўлланма. -Т.: 2012, 164- б.

РЕЗЮМЕ

Ушбу мақола юқори малакали футболчиларнинг машғулот ва мусобақа фаолиятлари таҳлили натижалари асосида мусобақа даври ўйинлараро цикли учун машғулот дастурларини ишлаб чиқиш муаммоларига бағишланган. Юқори малакали футболчиларнинг машғулот жараёнини режалаштириш муаммолари бўйича Р.А. Акрамов (2005), М.А.Годик (2007), Ш.Т.Исеев (2017), Р.И.Нуримов (2005), А.И.Талибжанов (2012) каби етук мутахассисларнинг илмий изланишларига таянган ҳолда, мусобақалараро циклларда юқори малакали футболчилар машғулот жараёнини режалаштириш ва бошқаришнинг илмий-услубий муаммолари ёритилган. Спорт назариясидаги кўп йиллик тажрибаларни ўрганиш ҳамда мамлакат терма жамоаси ва чемпионат ўйинлари мобайнида етакчи жамоаларнинг мусобақа фаолиятларини кузатиш натижаларини умумлаштириш асосида юқори ўйинлараро цикллар учун юқори малакали футболчилар машғулот жараёнини режалаштиришнинг услубий ва воситалари келтирилган. Миллий терма жамоа ва мамлакат чемпионатида иштирок

этаётган етакчи жамоалар футболчиларининг жисмоний тайёргарлиги ва техник-тактик ҳаракатлари самарадорлиги кўрсаткичлари таҳлил қилинган. Футболдаги замонавий қарашлар ва тенденциялар таҳлили асосида ўйинлараро циклларда юқори малакали футболчиларнинг жисмоний сифатларини ривожлантириш ҳамда техник-тактик ҳаракатлари самарадорлигини ошириш йўллари келтирилган. Мусобақа даври ўйинлараро цикли учун машғулоти юқламаларини режалаштиришнинг намунавий дастурлари яратилган.

РЕЗЮМЕ

В данной статье рассматриваются проблемы разработки тренировочных программ для межигрового цикла соревновательного периода, основанных на анализе тренировочной и соревновательной деятельности футболистов высокой квалификации. Научные и методологические проблемы планирования и управления процессом обучения высококвалифицированных игроков в межигровых циклах основаны на результатах исследования ведущих специалистов, таких как Акрамов Р.А (2005), Годика М.А (2007), Исеева Ш.Т.(2017), Нуримова Р.И.(2005), Талибджанова А.И.(2012) о процессе планирования высококвалифицированных игроков. Методология и инструменты планирования тренировочных нагрузок футболистов высокой квалификации для межигровых циклов основаны на многолетнем опыте в теории спорта и суммировании результатов национальной команды, а также мониторинга конкурентоспособности ведущих команд участвующих в национальном чемпионате. Также в статье представлен анализ показателей физической подготовленности и технико-тактической эффективности национальной команды и ведущих команд, участвующих в национальных первенствах. На основе анализа соревновательной и тренировочной деятельности футболистов представлены способы улучшения физических качеств высококвалифицированных игроков и повышения эффективности их технико-тактических действий в межигровых циклах.

SUMMARY

This article deals with the problem of developing training programs for the intermediate cycle, based on the analysis of training and competitive activities of senior players. Scientific and methodological problems of planning and managing the process of training highly qualified players in Intercollegiate cycles are based on research by leading experts, such as R.A. Akramov (2005), M.A. Godik (2007), Sh.T. Iseev (2017), R.I. Nurimov (2005), A.I. Tolibjanov (2012), in the planning process of highly qualified players. The methodology and tools for planning high-level players' training sessions for high-profile inter-cycles are based on many years of experience in sports theory and summarizing the results of national teams and monitoring the competitiveness of leading teams. The analysis of indicators of physical fitness, technical, tactical efficiency of national teams and leading teams participating in national Championships is also presented. Based on the analysis of modern football trends, there are ways to improve the physical qualities of highly qualified players and improve the effectiveness of their technical and tactical actions in inter-cycle competitions. And also, the approximate planning of the workload for the intermediate cycles of the competition is presented.

ЗАМОНАВИЙ ТАЪЛИМ ПАРАДИГМАЛАРИ ВА ТАЛАБАЛАРНИНГ ИЖТИМОЙ КОМПЕТЕНТЛИГИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ

З.К.Курбаниязова – педагогика фанлари номзоди

Ажсиниёз номидан Нукус давлат педагогика институти

Таянч сўзлар: парадигма, компетенция, таълимга компетентли ёндашув, ижтимоий компетентлик, таълим сифати.

Ключевые слова: парадигма, компетенция, компетентностный подход к образованию, социальная компетентность, качество образования.

Key words: paradigm, competence, competence-based approach to education, social competence, quality of education.

Маълумки, Ўзбекистон Республикаси олий таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясида олий таълимни тизимли ислоҳ қилишнинг устувор йўналишларини белгилаш, замонавий билим ва юксак маънавий-ахлоқий фазилатларга эга, юқори малакали ва рақобатбардош кадрлар тайёрлаш жараёнини сифат жиҳатдан янги босқичга кўтаришни олий таълим тизимини ривожлантиришнинг стратегик мақсадлари сифатида белгилаб берилган. Ушбу мақсадга эришиш ўз ўзидан эмас, балки миллий менталитет ва халқимиз тажрибаси билан халқаро тажрибаларнинг интеграциясини таъминлаш, таълим тизимининг жаҳон миқёсида тарихий тадрижий таракқиёт мазмунини ўрганиш, замонавий илғор тажрибаларни таълим тизимида жорий этиш орқали эришиш мумкин. Бу жараёнлар халқаро таълим тизимида муайян таълим парадигмаларига суянишга олиб келади.

Парадигма тушунчаси юнон тилидан олинган бўлиб, “paradeigma”, яъни “мисол”, “андоза”, “намуна”, деган маъноларни билдириб, бу муайян вақт ичида жамият олдида муайян муаммони қўйиш ва уни ҳал этиш моделини кўрсата оладиган илмий ютуқларни тан олиш ҳисобланади. Бунга мисол сифатида С.В.Голосованинг парадигма – бу илмий ҳамжамиятнинг методологик, назарий ва амалий фаолиятининг умумулашган модели, - деган фикрини эслашнинг ўзи kifоя [2]. «Парадигма» тушунчасининг маъно-мазмунига Т.Кун алоҳида эътибор бериб, парадигма олимларга нафақат фаолият режасини беради, балки режани бажариш учун муайян йўналишларни ҳам кўрсатиб беришини таъкидлайди [5].

Бугунги кунда юртимизда илмга берилаётган эътиборнинг замирида ҳам илмий асосланган парадигманинг таълим тизимида кириб келиши унинг сифат ва самарадорлигини таъминлашнинг инъикоси сифатида хизмат қилади. Бу ўз навбатида “таълим

парадигмаси” тушунчаси билан боғлиқ бўлиб, у таълим соҳасидаги муаммоларни ҳал этишга қаратилган андоза ҳисобланади. У замон талаблари, даврнинг ижтимоий буюртмаси ва ижтимоий-иктисодий ўзгаришлар таъсирида янгилашиб боради. Таълим парадигмаси илмий тадқиқотлар учун назарий ва методологик асосларнинг мажмуи сифатида муайян даврда илмий амалиётга кириб борадиган ва илмий муаммоларнинг олимлар томонидан эътироф этиладиган ечимлар андозаси ва эришилган илмий ютуқлар тизими ҳисобланади. Педагогика ва таълим тизими тарихига назар ташлайдиган бўлсак Б.Скинер асос солган *рационалистик парадигма* (таълимнинг асосини мазмун эмас, балки таълим олувчиларнинг турли билимларни ўзлаштириши эгаллаган), *анъанавий-консерватив парадигма* (тартиб-интизомни сақлаш ва шахснинг индивидуал ривожланишига қаратилган билим, қўниқма ва кадрларни келажак авлодга етказиш назарда тутилган), *шахсга йўналтирилган таълим парадигмаси* (ушбу парадигманинг тарафдорлари бўлган Ш.А.Амонашвили, И.П.Волков, Е.Н.Ильин, С.Н.Лысенкова, В.Ф.Шаталовлар ҳар бир таълим олувчи ўзининг ривожланиш йўлига эга бўлиши, таълим ва тарбияда ҳар бир шахснинг индивидуал хусусиятларидан келиб чиқиш лозимлигини назарда тутишган), *функционал парадигма* (Н.А.Алексеев ва Э.Ф.Зерлар асос солган ушбу парадигмада таълим ижтимоий буюртмани бажариши, жамият ва давлатни керакли кадрлар билан таъминлаб бериши назарда тутилган), *технократик таълим парадигмаси* (“аниқ” илмий билимлар бериш, билим-бу куч, инсон ўзининг индивидуаллиги билан эмас, балки мутахасис сифатида белгиланишини назарда тутди), *ноинституционал таълим парадигмаси* (бунда кўпроқ Internet орқали шахснинг мустақил таълим олиши назарда тутилди) *гуманистик*

(феноменологик) таълим парадигмаси (таълим олувчи шахс ижтимоий ҳаёт субъекти сифатида қаралиб, унинг ўз-ўзини ривожлантириб бориши назарда тутилади) сингари кўплаб парадигмалар ёшларга таълим–тарбия беришда, таълим тизимини ривожлантиришда дастурул амал бўлиб хизмат қилиб келганлигини кўришимиз мумкин. Яъни, таълим жараёнида бу каби парадигмаларнинг қайси биридир ўз функциясини йўқотиб ўрнини иккинчи парадигманинг босиши, уларнинг қайси биридир доминантлик қилиши ёки баъзи ҳолатларда уларнинг “параллель” қўлланилиш ҳолатларининг мавжудлиги ҳақида ҳам фикрлар билдирилган [8].

В статье говорится о проблемах настоящего времени таких как взаимодействие родителей в управлении школой. Отдельно говорится о принципах и особенностях школьного менеджмента школы. Даются методические и теоретические рекомендации учителям в управления школой по работе с родителями. Изучение этой проблемы в республике является одной из важных, которая требует своего исследования.

SUMMARY

Authors pay special attention on the principles and peculiarities of school management. Methodical and theoretical recommendations are present to teacher on how to work with parents in school management. Investigating this problem is very significant in our Republic.

УМУМТАЪЛИМ ФАНЛАРИНИ ТАДБИРКОРЛИККА ЙЎНАЛТИРИШ ЎҚИТИШНИНГ ЭДУКОЛОГИК ИМКОНияТЛАРИ

М.М.Мирзакаримова - эркин тадқиқотчи

Андижон давлат университети

Таянч сўзлар: таълим жараёни, педагогик технология, қобилият, экологик имкониятлар, касбий таълим, тадбиркорлик.

Ключевые слова: образовательный процесс, педагогические технологии, навыки, экологические возможности, профессиональная подготовка, предпринимательство.

Key words: educational process, pedagogical technology, skills, ecological opportunities, vocational training, entrepreneurship.

Жамиятимиз ривожланишининг чўқур иқтисодий ва ижтимоий ўзгаришлари рўй бераётган ҳозирги босқичида ўқувчиларга тадбиркорликка йўналтирилган таълим-тарбия бериш сифатини ошириш йўллари ва воситаларини излаб топиш замонавий педагогиканинг асосий долзарб вазифаларидан бири бўлиб қолмоқда. Бу масалаларга Ватанимиз мустақилликка эришгандан кейинги йилларда ҳукуматимиз томонидан ҳам катта эътибор берилиб келинаётганлиги ҳаммамизга аён. Ўзбекистонда олиб борилаётган таълим ислохоти бевосита унинг демократик, бозор муносабатларига ўтиш жараёни билан бирга амалга ошмоқда. Мазкур жараёнлар моҳиятан педагогик таълим тизими кадрлар тайёрлаш имкониятларининг тўбдан яхшиланишига, жамиятни оғишмай ривожлантириш негизида умумжаҳон таълим муҳитига мос тарзда ўзлуксиз педагогик таълим тизимини яратишга олиб келди [1:10].

Шу сабабли ҳам биринчи навбатда, таълим мазмۇни ва унинг таркибини кенгайтириш ва чўқурлаштириш, хусусан, умумтаълим фанларини тадбиркорликка йўналтирилган ўқитиш технологиялари ёрдамида таълим сифатини ошириш ғояси ҳозирда ҳам долзарб масалалардан эканлигини таъкидлаш ўринлидир. Бу мазмунга нафақат билим, кўникма ва малака, балки умуминсоний маданиятни ташкил қилувчи — ижодий қобилиятларни ривожлантириш, тадбиркорликка йўналтирилган ўқитиш тизими орқали миллий кадрларга, атроф-муҳитга нисбатан муносабатларни ҳам қиритиш мумкин [2:298].

Республикамизнинг барча таълим жабҳаларида бўлганидек, тадбиркорлик соҳасида ҳам бу муаммонинг ечимини топиш устида анчагина изланишлар олиб борилган. Таълим муассасаларида ўқувчиларнинг ижодий фаолиятларини ривожлантириш соҳасида ижобий натижаларга эришишга имкон берадиган фаол тадбиркорликка йўналтирилган таълим бериш усуллари амалда татбиқ қилиш устида ижобий ишлар қилинган. Бир неча тадқиқотлар шуни кўрсатадики:

- Тадбиркорлик ва ижодкорлик қобилиятларни ривожлантириш учун устоз-шогирд тизимида ўқувчилар билан индивидуал ишлашга [7:123] кўпроқ урғу берилади.

- Тадбиркорликка йўналтирилган педагогик технологиянинг аҳамияти аввал ўзлаштирган назарий билимлар билан янги ўзлаштирилладиган билимлар орасида мустаккам боғланишларнинг юзага келиши билан белгиланади [8:11].

- Тадбиркорликка йўналтирилган ўқитиш технологияларининг таълим-тарбия жараёнига кенг татбиқ қилиниши, таълим мазмунини бойитишга, уни такомиллаштиришга ва ўқувчилар билимини ўзлаштиришда жадаллаштириш, ҳамкорлик ҳамда яқка тартибда таълим олиш ва таълимни комплекс лойихалаштириш муаммоларини ечишга қаратилган [3:272].

- Тадбиркорликка йўналтирилган ўқитиш жараёнида шахс ўзининг фикри, диққат-эътибори ва аини пайтдаги ҳиссий кечинмаларини иш фаолиятининг самарали бўлишига ва фойдали қиймат олишга йўналтиради [4:129].

- Сўбъект-объект муносабати асосида қайтар алоқа ўрнатади [5].

- Ўқитувчи ва ўқувчи ўртасида ўзаро ҳамкорлик “устоз-шогирд” муносабатлари қарор топади [6:02].

- Ўзининг эришган ютуғидан қониқиш ҳосил қилади [9:56]. Маълум бир муваффақиятга эришиш эса янги куч, ўз иқтидорига ишонишнинг омили бўлиб хизмат қилади [9:57].

- Шахс манфаати жамият манфаати билан тобора уйғунлашиб боради [10:6].

Педагогик фаолиятда босқичма-босқичликни назарда тутадиган тадбиркорликка йўналтирилган ўқитиш технологияси бўлажак мутахассисни ҳаётини — ўқув фаолиятини мустақил қўла оладиган, унга тузатишлар кирита оладиган фаол, ижодкор шахсни шакллантиришга қаратадиган замонавий инновацияларни ўзлаштириш ва ишлаб чиқиш жараёни

хисобланади. Педагогик инновация – таълим жараёни сифатини ошириш ва педагогик амалиётни сифат ва сон жиҳатидан ўзгариштиришни мақсад қилади.

Умумтаълим фанларини тадбиркорликка йўналтирилган ўқув жараёнида машғуллот мавзусига доир билимларни мустахкамлаш ва фикрлашини ривожлантириш мақсадида инновацион таълим технологиялар (лойиха), интерфаол методлар (аклий ҳужум, түшүнчаларни аниқлаш, чалкаштирилган мантикий занжирлар кетма-кетлиги) ҳамда кластер, Б-Б-Б чизма, “Нима учун” чизмаси, “Қандай” диаграммаси ва тоифалаш жадвали каби график органайзерлардан унумли фойдаланиш мумкин [2:299].

Бугунги кунда тадбиркорликка йўналтирилган ўқитиш технологияси таълимнинг янги мазмуни ва шахс ривожланишига мувофиқ билимларни берадиган асосий восита хисобланади [2:300]. Бу восита ўқувчидан қизиқиш билан ўқиш, ахборот манбаларини топиш, янги билимларни ўзлаштиришда мустақиллик ва масъулият ҳиссини тарбиялайди [2:301], интеллектуал интизомни, тадбиркорлик сифатларни ривожлантиради.

Таълим жараёни самарадорлигини ошириш, таълим олувчиларнинг мустахкам назарий билим, кўникма ва малакаларини шакллантириш, ижодий фаолиятларини ривожлантириш, уларни касбий маҳоратга айланишини таъминлаш мақсадида ўқитиш жараёнида тадбиркорликка йўналтирилган ўқитиш технологияларидан фойдаланиш давр тақозоси бўлиб, ижтимоий зарурият сифатида кун сайин долзарблиги охиб бормоқда.

Таълим жараёнига бу технологияларни татбиқ этиш кадрлар тайёрлашга йўналтирилган умумий жараён мазмунининг сифат жиҳатидан ўзгаришини таъминлайди.

Янги педагогик технология назарияси ғояларидан фойдаланиш асосида ташкил этилган тадбиркорликка йўналтирилган ўқув жараёни баркамол шахс ва малакали мутахассисни тарбиялаш борасидаги ижтимоий бўйртманинг бажарилиш ҳолатининг сифат кўрсаткичига эга бўлишига тўртки бўлади.

Ижтимоий-иқтисодий ишлаб чиқариш жараёнидаги баркамол шахс ва малакали мутахассислар фаолиятларининг ривожланиши ижтимоий-иқтисодий тараққиёт тезлашувига олиб келади.

Умумтаълим фанларини тадбиркорликка йўналтириб ўқитишнинг қўйидаги экологик имкониятларини келтиришимиз мумкин:

1. Умумтаълим фанларини тадбиркорликка йўналтириб ўқитиш тизими педагог ва ўқувчи

мулоқотини яхшилашда ижодий натижага эришиш учун қўлай ҳамда кенг имкониятларга эга.

2. Умумтаълим фанларини тадбиркорликка йўналтириб ўқитиш технологияси таълимда кўргазмалли, амалий түшүнтириш ҳамда репродуктив усулларни қўллашнинг янги сифатли даражага кўтарилишини таъминлайди.

3. Машғуллотларда тадбиркорликка йўналтириб ўқитиш технологияларидан фойдаланиш таълим шакли, ўқувчиларнинг билим доирасини кенгайтиришга хизмат қилади, диққатни жамлайди, шахснинг ижодкорлик, тадбиркорлик, ишбилармонлик имкониятларини оширади.

4. Педагог маслаҳати билан тадбиркорликка йўналтирилган ўқитиш тизими орқали ўқувчиларнинг умумтаълим фанларини самарали ўзлаштиришларига имкон яратилади.

5. Умумтаълим фанларини тадбиркорликка йўналтириб ўқитиш технологияси кўргазмаллиликни оширади, ўқувчиларда тадбиркорлик кўникмаларини шакллантиради.

6. Умумтаълим фанларини тадбиркорликка йўналтириб ўқитиш технологияларидан фойдаланиш ўқувчиларнинг ишбилармонлик, уддабўронлик билан ахборотлар излаш, топиш, танлаш ва олинган маълумотни жамлаш каби мустақил ишлаш кўникмаларини ривожлантиради.

7. Умумтаълим фанларини тадбиркорликка йўналтириб ўқитиш технологияларидан фойдаланиш ўқувчини ўз билими ва имкониятларини объектив баҳолашга имкон беради.

8. Машғуллотларда тадбиркорликка йўналтирилган технологияларни қўллаш ўқувчиларнинг умумтаълим фанларига қизиқишлари ва таълим сифатининг ошишига олиб келади.

Шундай қилиб машғуллотларда ва дарсдан ташқари вақтларда умумтаълим фанларини тадбиркорликка йўналтирилган ўқитиш технологиялардан фойдаланиш шахсий ижодкорликни ривожлантириш, психологик-педагогик билимлар асосида ўқув-тарбия фаолиятини тўғри ташкиллаштиришга имкон яратади.

Бундан ташқари умумтаълим фанлари дарсларида тадбиркорликка йўналтирилган ўқитиш технологиялардан фойдаланиш:

- ўқувчиларнинг идрок қилиш фаолиятларини ривожлантиради ва ўқув жараёнини фаоллаштиради.

- Билим ва кўникмаларни мустахкамлайди.

- Дарсдан ташқари вақтларда ўқувчиларни фаол ижодий, яратувчанлик, ишбилармонлик фаолиятига йўналтиришга сабаб бўлади.

Адабиётлар

1. Толипов Ў.Қ., Иноятова М.Е. Педагог шахсини таркиб топтиришнинг дидактик моделлари. / Педагогика. –Т.: 2014, №3..
2. Сластенин В.А., Исаев И.Ф., Мищенко А.И., Шиянов Е.Н. ПЕДАГОГИКА: Учебное пособие для студентов педагогических учебных заведений. – М.: Школа-Пресс, 1997, -С. 298-301..
3. Ананьев Б.Г. О проблемах современного человекознания. СПб. –Питер: 2001, -С. 272. (Серия “Мастера психологии”).
4. Вишнякова Н.Ф. “Креативная психопедагогика”. Психология творческого обучения, Изд. НИОРБ “Поли Биг”, -Минск: 1995, -С. 129.
5. Сластенин В.А. Профессионализм учителя как явление педагогической культуры. Педагогическое образование и наука. 2004. №5.
6. Машарипова Ш.М. “Таълим технологиялари журнали” №3, 2014. 2-б.
7. Ражабов Р.Қ., Султонов Х.Э. Тасвирий санъат фанини ўқитиш методикаси. Ўқув қўлланма. –Тошкент: 2008, 123-б.
8. Абдирасилов С.Ф., Нуртеев Ў.Н. Умумий ўрта таълим мактабларида тасвирий санъат фанини ўқитиш технологияси, методик қўлланма. –Тошкент: 2015, 11-б.
9. Гулямов К.М. Касб-хунар коллежларида халқ амалий санъатини ўқитиш методикаси (наққошлик санъати мисолида). -Т.: 2012, 56-58-б.
10. Ахмадалиев А.М., Қосимов А.Х. “Инновацион фаолият ва илғор педагогик технологиялар”. Ўқув қўлланма. –Тошкент: 2006, 6-б.

РЕЗЮМЕ

Мақолада ижтимоий-иқтисодий ишлаб чиқариш жараёнида баркамол шахс ва малакали мутахассислар фаолиятларининг ривожланишида умумтаълим фанларини тадбиркорликка йўналтириб ўқитишнинг экологик имкониятлари ҳақида фикр ва мулоҳазалар баён этилган.

РЕЗЮМЕ

В статье представлены мнения и комментарии по поводу этического потенциала предпринимательско-ориентированного обучения общеобразовательным предметам в развитии деятельности разностороннего человека и квалифицированных специалистов в процессе социально-экономического производства.

The article presents opinions and comments on the ethic-potential entrepreneurship-oriented teaching of general subjects in the development of the activities of a well-rounded person and qualified professionals in the process of socio-economic production.

АНДРАГОГИК ЁНДАШУВ АСОСИДА МАЛАКА ОШИРИШ ЖАРАЁНЛАРИНИ ЛОЙИХАЛАШТИРИШ

М.Т.Мирсолиева – педагогика фанлари доктори

Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университети

Таянч сўзлар: андрагогика, эвтагогика, диагностика, адаптация, коррекция, ривожлантириш, тьютор, фасилитатор.

Ключевые слова: андрагогика, эвтагогика, диагностика, адаптация, коррекция, развитие, тьютор, фасилитатор.

Key words: andragogy, eutagogy, diagnostics, adaptation, correction, development, tutor, facilitator.

Олий таълим муассасалари раҳбар ва педагог кадрларининг касбий компетентлигини ривожлантиришда уларнинг касбий тайёргарлигини юксак даражада бўлиши, уларда педагогик маҳоратнинг шаклланилиги, замонавий педагогик ва ахборот - коммуникация технологияларини қўллаш кўникма ва малакасини пухта ўзлаштириш, касбий фаолиятга акмеологик, креатив ёндашув мотивациясини қарор топтириш талаб этилади. Мазкур вазифаларнинг амалдаги ижросини таъминлашда олий таълим муассасалари раҳбар ва педагог кадрларини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш жараёнларининг инновацион механизмларини ишлаб чиқиш зарурий аспектлардан саналади.

Қайта тайёрлаш ва малака ошириш жараёнлари ўз моҳиятига кўра катта ёшли таълим субъектидаги касбий компетентлик ва маҳорат даражасини таъминловчи қуйидаги вазифаларни амалга оширади (1-жадвал).

1-жадвал.

Андрагогик ёндашув асосида қайта тайёрлаш ва малака ошириш жараёнларини лойиҳалаштириш босқичлари

Лойиҳалаштириш босқичлари	Жараён мазмуни
Диагностик	Тингловчиларнинг мавжуд билим, кўникма ва малакалари ҳамда касбий фаолият натижаларининг SWOT таҳлили ҳамда мониторингини олиб бориш
Адаптация	Катта ёшли таълим субъектларининг таълим тизимидаги ўзгаришлар, инновациялар, замонавий педагогик ёндашувларга мослаштириш, касбий ўзини ўзи ривожлантириш мотивациясини қарор топтириш
Коррекция	Касбий-педагогик ва бошқарув вазифаларини самарали ҳал этишга хизмат қилувчи илғор хорижий тажрибалар, инновацион-интерактив технологиялар ва соҳадаги замонавий тенденциялар билан боғлиқ янги билим ва компетенцияларни ривожлантириш
Ривожлантириш	Бошқарув ва касбий фаолият соҳасини ташкил этиш бўйича тажрибаси. маҳорати ва касбий маданиятини ривожлантириш.

Маълумки, андрагогик таълим - эркин, ўзаро ишончни шакллантиришга қаратилган, норасмий, ижодий таълим муҳити бўлиб, унда ўзаро ҳурмат, ҳамкорлик, коллоборатив, қўллаб-қувватловчи, шахсга ва эҳтёжларга йўналитирилган очиқ таълим тамойилларига асосланилади. Сўнгги йилларда андрагогика тушунчасига параллел равишда эвтагогика тушунчаси ҳам қўлланилиб келинмоқда (Stewart Hase, Chris Kenyon – 2000 йил). Эвтагогика – катталарнинг ўзини-ўзи, мустақил ривожланиш ҳамда узлуксиз мустақил таълим тамойиллари ўрганувчи методологик ёндашувлардан саналади.

Тадқиқотларимиз жараёнида илмий-назарий манбаларни ўрганиш, шунингдек мазкур соҳадаги педагогик-психологик тадқиқотларни таҳлил этиш асосида, андрагогик таълимдаги ёш категорияларини қуйидагича белгиладик:

Биринчи категория (25 ёшгача) – мутахассислиги бўйича базавий билимларга эга ёки тўлиқ эга бўлмаган, касбий ва шахсий ривожланиш дастурларига эҳтиёжи юқори бўлган тингловчилар гуруҳи;

Иккинчи категория (25-45 ёш) – касбий билимлар ва муайян иш тажрибасига эга, касбий ривожланиш ва ўзини-ўзи намоён этиш мотивацияси етакчи бўлган тингловчилар гуруҳи;

Учинчи категория (45 ва ундан юқори) - ижтимоий ва касбий статусга эга бўлган, шу билан бирга ўзини-ўзи касбий ривожлантиришга ва ўзаро тажриба алмашишга, ҳамкорликда ўрганишга мойил тингловчилар гуруҳи.

Қайта тайёрлаш ва малака ошириш тизимида ўқитиш сифатини ошириш, таълим методологияси ва ўқув жараёни технологиясини тубдан янгилаш, ўқув жараёнининг замонавий ўқув-методик таъминотини такомиллаштириш, соҳага оид илғор тажрибаларни ўзлаштириш ва улардан фойдаланиш катталар таълимини ташкил этишнинг муҳим механизмларидан саналади.

Илмий далилларнинг назарий таҳлили, уларни умумлаштириш ва тизимлаштириш, шунингдек, илғор педагогик тажрибаларни ўрганиш асосида тадқиқотларимиз натижасида қайта тайёрлаш ва малака ошириш жараёнларидаги андрагогик таълим модели асосида лойиҳалаштириш тузилмаси ишлаб чиқилди (2-жадвал).

2-жадвал.

Қайта тайёрлаш ва малака ошириш жараёнларидаги андрагогик таълим модели

Ташкилий-дидактик тизим	Мазмуни
Мақсад	Мавжуд касбий билим, кўникма ва тажрибага асосланган ҳолда ўзини ўзи касбий-шахсий ривожлантириш ва бошқариш билан боғлиқ метакомпетенцияларни ривожлантириш
Тамойиллар	Мустақиллик, тизимлилик, ҳамкорликдаги фаолият, тажрибага асосланган ўқитиш, таълим мазмунини индивидуаллаштириш ва табақалаштириш, эҳтиёжларга йўналганлик, мослашувчанлик
Жараён босқичлари	Диагностика, малака ошириш жараёнлари мазмунини лойиҳалаштириш, амалга ошириш, рефлексия ва коррекция

Педагог-тьютор, фасилитатор вазифаси	Эҳтиёжларни ўрганиш, идентив ўқув мақсадларини белгилаш, таълим мазмуни ва ўқитиш технологияларини ёш ва тажрибага мослаштириш, йўналтириш, фасилитация, илмий-методик қўллаб-қувватлаш, ижодий таълим муҳитини яратиш, педагогик мониторинг
Таълим олувчи-тингловчи вазифаси	Индивидуал касбий ривожланиш траекториясини белгилаш, янги касбий компетенцияларни ўзлаштириш, метакогнитив фаоллик, ўзини ўзи баҳолаш
Ташкилий шакллар	Маъруза-мунозара, тренинг, лойиҳавий таълим, кейс таҳлил, акмеограмма таҳлили, рефлексив семинарлар, очик дарслар таҳлили, амалиёт ва бошқ
Мазмун	Олий таълимнинг норматив-меъёрий ҳужжатлари, Илғор таълим технологиялари ва педагогик маҳорат, Амалий хорижий тил, ахборот-коммуникация технологиялари, Тизимли таҳлил ва қарорлар қабул қилиш, махсус фанлар бўйича замонавий билимлар ва компетенцияларни ривожлантириш
Назорат ва баҳолаш	Ассесмент тизими, лойиҳа тақдироти, портфолио, акмеограмма, импакт мониторинг

Мазкур тузилмада қайта тайёрлаш ва малака ошириш жараёнларида раҳбар ва педагог кадрлар касбий компетентлигини ривожлантиришда ўзига хос ўрин тутувчи асосий таркибий тузилмалар: метакомпетенцияларни йўналтирилган андрагогик таълим мақсади; мустақиллик, тизимлилик, ҳамкорликдаги фаолият, тажрибага асосланган ўқитиш, таълим мазмунини индивидуаллаштириш ва тақбақалаштириш, эҳтиёжларга йўналганлик, мослашувчанлик каби методологик тамойиллари; диагностика, лойиҳалаштириш, рефлексия ва коррекцидан ташкил топган касбий компетентликни ривожлантириш жараёни босқичлари, педагог-тьюторнинг вазифаси, таълим олувчилар-тингловчиларнинг когнитив фаолияти мазмуни, шунингдек, педагогик шарт-шароитлар ва воситалар тизимини аниқлаб олиш, таълим жараёнини самарали ва тўғри ташкил этилишини таъминлайди.

Олиб борган изланишларимиз натижалари раҳбар ва педагог кадрлар касбий компетентлигини ривожлантириш жараёнларида касбий тайёргарлик мазмуни ва сифатига қўйиладиган малака талаблари, компетенцияларга асосланган таълим дастурлари мазмуни асосидаги касбий ривожлантириш тизими билан амалий таълим муҳити ўртасидаги ўзаро таъсирлашув механизмларини такомиллаштириш зарурлигини кўрсатди.

Мазкур жиҳатлар асосида қайта тайёрлаш ва малака ошириш жараёнларида раҳбар ва педагог кадрлар касбий компетентлигини ривожлантириш механизмларини такомиллаштиришда қуйидаги йўналишларга алоҳида эътибор қаратилди:

мазмун жиҳатидан раҳбар ва педагог кадрлар касбий компетентлигини ривожлантиришга қўйиладиган малака талаблари, таълим дастурларини фан, таълим ва ишлаб чиқариш интеграцияси асосидаги инновацион ёндашувлар ва илғор хорижий тажрибалар билан интеграциялашувини таъминлаш;

ташкилий жиҳатдан ўқув жараёнларини андрагогик таълим талаблари асосида лойиҳалаштириш, яъни тингловчиларнинг ижтимоий мавқеи, шахсий ва касбий индивидуаллигини эътиборга олган ҳолда соғлом-ижодий таълим муҳитини яратиш;

методик жиҳатдан андрагогик таълимни ташкил этиш бўйича тренерлик курсларини ташкил этиш, ўқув жараёнининг интерактив, рефлексив, витаген ва аутентик технологиялари ҳамда масофадан ўқитиш шакллари асосланган ахборот-методик таъминотни такомиллаштириш, халқаро илмий маълумот базаларидан кенг фойдаланиш; касбий ривожланиш ҳамда индивидуал касбий эҳтиёжларга йўналтирилган ахборотлаштирилган таълим муҳити, очик онлайн ресурслар базасини такомиллаштириш.

Адабиётлар

1. Базаров Т.Ю., Ермина Б.Е. Управление персоналом: Учебник для вузов /Под ред. Т.Ю. Базарова, Б.Л. Еремина. 2-е изд., перераб. и доп. - М: ЮНИТИ, 2002, -С. 560.
2. Деркач А., Зазыкин В. Акмеология: Учебное пособие СПб. – Питер: 2003, –С. 256.
3. Ишмухамедов Р., Абдукодиров А., Пардаев А. Таълимда инновацион технологиялар (таълим муассасалари педагог-ўқитувчилари учун амалий тавсиялар). – Т.: “Истеъдод” жамғармаси, 2008, 180- б.
4. Мирсолиева М.Т., Ишмухамедов Р.Ж. Ўқув жараёнида инновацион таълим технологияларидан фойдаланиш. Методик қўлланма. – Тошкент: “Фан ва технология”, 2014, 60- б.
5. Мирсолиева М.Т. Андрагогиканинг таракқиёт йўналишлари. // Илмий хабарнома.- Андижон: 2016, № 4. 97-100-б.

РЕЗЮМЕ

Мақолада катталар таълимини ташкил этишнинг ижтимоий-педагогик зарурати, андрагогика ва эвтагогика методологияси, андрагогик ёндашув асосида қайта тайёрлаш ва малака ошириш жараёнларини лойиҳалаштириш, шунингдек қайта тайёрлаш ва малака ошириш жараёнларидаги андрагогик таълим модели хусусида сўз юритилган.

РЕЗЮМЕ

В статье рассматриваются социально-педагогическая необходимость организации образования взрослых, методология андрагогики и эвтаго, построение процессов переподготовки и повышения квалификации на основе андрагогического подхода, а также модель андрагогического образования при переподготовке и повышении квалификации.

SUMMARY

The article discusses the socio-pedagogical necessity of the organization of adult education, the methodology of andragogy and eutago, the design of retraining and advanced training processes based on the andragogical approach, as well as the model of andragogic education in retraining and advanced training.

YOSHLARDA EKOLOGIK XAVFSIZLIK MADANIYATINI SHAKLLANTIRISHGA DOIR MASALALARDA INNOVATSION YONDASHUV

L.A.Muxtorova - *katta o'qituvchi*

Termiz davlat universiteti

Tayanch so'zlar: Xavf, xavfsizlik, ekologik madaniyat, tabiat, hayot, muhit, inson, ekologik nazorat tizimini takomillashtirish, atrof-muhitni muhofaza qilish.

Ключевые слова: опасность, безопасность, экологическая культура, природа, жизнь, окружающая среда, человек, совершенствование системы экологического контроля, охрана окружающей среды.

Key words: Danger, safety, ecological culture, nature, life, environment, human, improvement of ecological control system, environmental protection.

Dunyo xaritasidan munosib o'rin egallab borayotgan O'zbekiston davlati mustaqillikka erishgach, o'ziga xos taraqqiyot yo'lidan borib siyosiy, ijtimoiy, iqtisodiy, madaniy va ko'plab sohalarida ulkan ijobiy natijalarga erishib borayotgan bir vaqtda insoniyat hayoti va faoliyati uchun muhim bo'lgan atrof-muhitni muhofaza qilish hamda ekologik muammolarga mamlakatimiz rahbarining boshchiligidagi ekologiya muammolariga ham respublikamizda davlat siyosati darajasigacha ko'tarilib katta e'tibor qaratilmoqda. Ayni vaqtda sayyoramizning turli nuqtalarida yuz berayotgan ekologik tangliklar atrofimizdagi olam va ona tabiatga nisbatan oqilona va to'g'ri munosabatda bo'lishimiz zamon talabi ekanligini anglashimiz zarur.

Har qanday jamiyatning kelajagi yosh avlodning qanday ta'lim-tarbiya olishiga va qay tarzda tarbiyalanishiga bog'liq. Ana shunday ma'naviy tafakkurga ega bo'lgan avlodgina mamlakat oldida turgan umumdavlat ahamiyatiga molik vazifalarni bajarishga qodir bo'lib, shu xalqi manfaatlarini yo'lida xizmat qila olishi mumkin va o'zbek xalqining bundan keyingi taqdirini belgilab berishda yoshlarda ekologik-huquqiy tarbiyaga oid tushunchalarni shakllantirishda muhim ahamiyat kasb etadi. Bu esa nafaqat hozirgi avlod taqdiri, balki kelajak avlodning taqdiri ham shunga bog'liq ekanligini anglatadi. SHunga ko'ra yosh avlodning ekologik xavfsizlik madaniyatiga oid tushunchalarni shakllantirishdan foydalanib ularni tarbiyalash davlatimiz oldida turgan muhim vazifalardan biri hisoblanadi, hamda bu mavzu dolzarb bo'lib, jamiyat rivojida katta ahamiyatga egadir.

Mamlakatimizda istiqomat qilib kelayotgan doimiy aholi soni yil sayin ortib bormoqda. Jumladan, O'zbekistonda aholi soni joriy yilning birinchi aprel holatiga ko'ra 34,03 mln kishini tashkil etib, aholining, ayniqsa, yoshlarning ekologik ong va ekologik xavfsizlik madaniyatini yuksaltirish, jamiyatimizda yashab kelayotgan har bir fuqoroda ona tabiat hamda bizni o'rab turgan atrof-muhitga ehtiyotkorona munosabatda bo'lish, jannatmakon yurtimizning nodir, betakror tabiatini kelgusi yosh avlodlar uchun saqlab asrab-avaylash his-tuyg'usini shakllantirish bilan birga ekologik vaziyatni yaxshilash bilan birga atrofimizdagi olamni, tabiatni muhoqaza qilishga o'zimizning munosib hissamizni qo'shishimiz kerak. Albatta buzilgan ekologik vaziyatni to'g'rilab bo'lmaydi, biroq ekologik ta'lim-tarbiya vositasida insonlarning tabiatga bo'lgan munosabatini, tafakkurini, madaniyatini yuksaltirish mumkin.

Mavjud muammolarni ijobiy hal etish maqsadida, O'zbekiston Respublikasi Prezidentining 2019 yil 30 oktyabr "2030 yilgacha bo'lgan davrda O'zbekiston Respublikasining atrof-muhitni muhofaza qilish kontseptsiyasini tasdiqlash to'g'risida"[1] gi farmoni hamda Vazirlar Mahkamasining 2019 yil 27 maydagi 434-son qaroriga asosan "O'zbekiston Respublikasida Ekologik ta'limni rivojlantirish Kontseptsiyasi"[2]ning qabul qilinishi yosh avlodga, ayniqsa yoshlarda ekologik xavfsizlik madaniyatini shakllantirishda maktab, oila va mahallaning hamkorligini rivojlantirishning ilmiy-nazariy va huquqiy asosini belgilab, yana bir qator yangi vazifalarni amalga oshirishni qo'ydi.

Mazkur farmon mamlakatimizda ekologik muammolarni bartaraf etish, aholining tabiatga bo'lgan

munosabatini yaxshilash, atrof-muhitni muhofaza qilish sohasida davlat organlari faoliyatida shaffoflikni ta'minlashga xizmat qiladi. Farmonda ekologiyaga doir o'ta muhim vazifalar belgilangan.

Yurtboshimiz aholining ekologik ong va ekologik madaniyatini oshirish masalasiga alohida e'tibor qaratishi ijtimoiy hayotimizda katta voqelik bo'ldi. Mamlakatimiz rahbari "Eng muhim masala - aholining ekologik madaniyatini oshirish haqida jiddiy bosh qotirishimiz zarur. Albatta, bunday muammolarni faqat ma'muriy yo'l bilan hal etib bo'lmaydi, bunga yosh avlod qalbida ona tabiatga mehr-muhabbat, unga daxldorlik hissini tarbiyalash orqali erishish mumkin"ligini alohida ta'kidlab o'tdilar. SHu o'rinda mamlakatimizdagi barqaror rivojlanish zaminida aynan hozirgi va kelajak avlodlar manfaati - farzandlarimiz manfaati, ularni xavf ostiga qo'yimaslik, ular uchun toza, sog'lom va xavfsiz atrof-muhit va farovon hayot yaratish masalasi turganligini aytib o'tish joiz. Davlatimiz rahbarining ushbu kontseptual g'oyalari va bu sohadagi oqilona siyosati tufayli yoshlarimiz o'zligini tanib, ekologik-huquqiy tarbiyaga oid tushunchalarni shakllantirishda hamda o'z faoliyatlariga tadbqiq etishda harakat qilmoqdalar.

Dono rahbarimiz Oliy Majlisga murojaatnomasida atrof-muhitni muhofaza qilish va ekologik vaziyatni yaxshilash masalasiga alohida e'tibor qaratdi. Murojaatnomani tinglar ekanmiz, respublikada hududlar kesimida ekologik xavfsizlikni ta'minlash, tabiiy resurslardan oqilona foydalanish, shuningdek hududlarning sanitar va ekologik holatini yaxshilash bir qarashda ekologik muammolarga taalluqli ekanligi kundav ravshan bo'lib tursa ham, ta'lim sohasida faoliyat yuritayotgan biz - o'qituvchilar zimmasiga ham ulkan vazifalar yuklanayotganligini his qilmoqdamiz. Zero dunyo hamjamiyati oldida turgan muhim vazifalardan biri hozirgi va kelajak avlod uchun toza, sog'lom, xavfsiz atrof-muhitni yaratish masalasi hisoblanadi.

Murojaatnomada Prezident yetakchi xalqaro ekspertlarni jalb qilgan holda «Ekologik kodeks» loyhasini ishlab chiqish zarurligini ta'kidlab o'tdi. Ekologik kodeks O'zbekiston Respublikasi hududida tabiiy resurslardan foydalanish va atrof-muhitga salbiy ta'sir ko'rsatish bilan bevosita bog'liq holda faoliyat yuritayotgan xo'jalik va boshqa turdagi korxonalarining tabiiy resurslardan oqilona foydalanish va ishlab chiqarish munosabatlarida atrof-muhitni tiklash hamda muhofaza qilish sohasini tartibga solish imkonini beradi. SHuni ta'kidlash lozimki, respublikada mavjud ekologik muammolaridan biri, bu, sanoat korxonalari va zavodlar tomonidan atrof-muhitning ifloslanishi hisoblanadi. SHu bois, Murojaatnomada bunday vaziyatda ishlab chiqarishda ekologik nazorat tizimini takomillashtirish, ekologik audit o'tkazish tartibini qayta ko'rib chiqish va xususiy auditorlik faoliyatini yanada faollashtirish muhim vazifalardan biri ekanligi qayd qilindi. [3]

Har qanday jamiyatning kelajagi yosh avlodning qanday ta'lim-tarbiya olishiga va qay tarzda tarbiyalanishiga bog'liq. Ana shunday ma'naviy tafakkurga ega bo'lgan avlodgina mamlakat oldida turgan umumdavlat ahamiyatiga molik vazifalarni bajarishga qodir bo'lib, shu xalqi manfaatlarini yo'lida xizmat qila olishi mumkin va o'zbek xalqining bundan keyingi taqdirini belgilab

berishda yoshlarda ekologik tarbiyaga oid tushunchalarni shakllantirishda muhim rol o'ynaydi. Bu esa nafaqat hozirgi avlod taqdiri, balki kelajak avlodning taqdiri ham shunga bog'liq ekanligini anglatadi. SHunga ko'ra yosh avlodning ekologik tarbiyaga oid tushunchalarni shakllantirishdan foydalanib ularni tarbiyalash davlatimiz oldida turgan muhim vazifalardan biri hisoblanadi, hamda bu mavzu dolzarb bo'lib, jamiyat rivojida katta ahamiyatga egadir.

Muammoni chuqur tahlil qilib ularni ilmiy-nazariy umumlashtirish ulardan muayyan ilmiy xulosalar chiqarib, amaliyotda qo'llash o'quvchilarda ekologik tarbiyaga oid tushunchalardagi mavjud kamchiliklarni bartaraf etish umumdavlat ahamiyatiga molik vazifa hisoblanadi. Ana shundan kelib chiqqan holda biz umumta'lim maktab o'quvchilarida ekologik tarbiyaga oid tushunchalarni shakllantirishda maktab va oila hamkorligini takomillashtirish, ularni tarbiyalash muammosini ilmiy-pedagogik nuqtai nazardan kengroq o'rganish zaruriyati muhim deb hisoblaymiz.

Sayyoramizdagi ekologik vaziyatlarning keskinlashuvi jamiyatimiz taraqqiyotiga, xavfsizligiga, aholining turmush tarziga ta'sir ko'rsatib, ularning hayotiga katta xavf soladi. Tabiatdagi atmosferaning ifloslanishi rivojlanib shakllanib borayotgan organizmning jismoniy va ruhiy rivojlanish holatiga ham ta'sir etmay qolmaydi. Hozirgi axborot muhitida "ekologik xavfsizlik madaniyati" iborasi tez-tez takrorlanayapti. Jumladan, Vazirlar Mahkamasining 2020 yil 18 fevraldagi 95-son qarorida ekologik xavfsizlik tushunchasiga keng izoh berilgan bo'lib, unda: "Tabiiy muhit va insonning hayotiy muhim manfaatlarining xo'jalik va boshqa faoliyat, tabiiy hamda texnogen tushdagi favqulodda vaziyatlar va ularning oqibatlarining ehtimoliy salbiy ta'siridan himoyalanganlik holati" deb ko'rsatiladi. [4]

Darhaqiqat, bugun umumjahon muammoga aylangan, dunyo miqyosida insoniyat hayotiga xavf solib kelayotgan ekologik vaziyatni tahlil qilib, jamiyatimizda yashayotgan fuqorolarning ekologik ongi va ekologik madaniyatini yuksaltirish muhim jarayon ekanligi, bu tabiiy muhitni va insonning hayotiy manfaatlarini salbiy ta'sirlar va ularning oqibatlaridan himoya qilish zarurligini anglashimiz lozim. Uni muvaffaqiyatli amalga oshirish ta'lim tizimining faol ishtiroki va fuqarolarni o'qitish orqali ham mumkin. Mamlakat fuqarolari atrof-muhitni muhofaza qilish, favqulodda vaziyatlarning oldini olish va ekologik xavf-xatarlarni yuzaga keltirish sohasida qanchalik vakolatli bo'lsa, ijtimoiy-tabiiy muhit shunchalik xavfsiz bo'ladi.

SHu o'rinda bizning fikrimizcha ekologik xavfsizlik madaniyati - bu ham tabiiy, ham ijtimoiy muhitga zarar etkazmaydigan tabiatni muhofaza qilish, ekologik ongli faoliyat va inson xulq-atvori sohasidagi ekologik bilimlar, kompetentsiyalar to'plamidir.

Adabiyotlar

1. O'zbekiston Respublikasi Prezidentining 2019 yil 30 oktabr "2030 yilgacha bo'lgan davrda O'zbekiston Respublikasining atrof-muhitni muhofaza qilish konseptsiasini tasdiqlash to'g'risida"gi Farmoni. //Qonun hujjatlari ma'lumotlari milliy bazasi (www.lex.uz), 2019 yil 31 oktabr.
2. O'zbekiston Respublikasi Vazirlar Mahkamasining 2019 yil 27 maydagi 434-sonli qarori. //Qonun hujjatlari ma'lumotlari milliy bazasi (www.lex.uz), 2019 yil 28 may.
3. O'zbekiston Respublikasi Prezidenti SHavkat Mirziyoyevning Oliy Majlisga murojaatnomasi. / "Xalq so'zi", 2020 yil 25 yanvar.
4. Ekologik xavfsizlik to'g'risida umumiy texnik reglament. Vazirlar Mahkamasining 2020 yil 18 fevraldagi 95-son qarori.

REZYUME

Maqolada ekologik ta'lim-tarbiya jarayonini tizimli tashkil etish, yoshlar orasida ekologik bilim va xavfsizlik madaniyatini targ'ib qilish, ekologiya sohasiga ilg'or innovatsion texnologiyalarni jalb etgan holda yanada takomillashtirish, maktab o'quvchilarining ona tabiatni sevishtirish va uni ko'z qorachig'idek asrashga qaratilgan bilim va ko'nikmalarini oshirish masalalari yoritilgan.

РЕЗЮМЕ

В статье рассматривается систематическая организация процесса экологического просвещения, популяризации экологического просвещения и культуры безопасности среди молодежи, дальнейшее совершенствование экологической сферы с привлечением передовых инновационных технологий, любовь и забота школьников, а также изучаются вопросы повышения уровня знаний и навыков учеников.

SUMMARY

The article focuses on the systematic organization of environmental education, the promotion of environmental education and safety culture among youth, the further improvement of the ecology with the involvement of advanced innovative technologies, the love and care of schoolchildren issues of enhancing knowledge and skills aimed at preserving the pupil.

THE DIDACTIC IMPORTANCE OF CREATIVITY AND SKILLS IN STUDENT ACTIVITIES

S.N.Najiyeva - assistant teacher

Samarkand state institute of foreign languages

Tayanch soʻzlar: yaratilish, muhit, maqsad, talaba, ixtiro, oʻqituvchi, ijod, mustaqil, ish, xulosa, mahorat, bilim, koʻnikma, malaka.

Ключевые слова: творчество, среда, цель, студент, изобретение, педагог, творчество, самостоятельность, работа, заключение, мастерство, знания, умение, квалификация.

Key words: creation, environment, purpose, student, invention, educator, creation, autonomous, work, conclusion, mastery, knowledge, skill, qualification.

Creativity is not the creation of an object or a work of art, but the ability to approach each task from its own point of view, to think independently about a problem, to relate and analyse all the knowledge gained in the process of studying to real-life events. We need to understand that it expresses new views. Emphasis should be placed on developing students' ability to express their thoughts in writing. Because through this, students express their knowledge more fully and meaningfully. Fostering independence in students during the learning process. Students should not be limited to the topic covered in the lesson. They should look for additional information on the topic, master them, also test how the previous topic will result in practice. As students acquire theoretical knowledge, they should be able to distinguish its important features and rules. They need to be taught the ability to unravel the essence of knowledge, because the topics, rules and definitions covered are only remembered and well mastered. The scientificity of teaching increases. In order to achieve science in education, first of all, it is necessary to use the latest achievements and discoveries of science and technology in the teaching process, to create educational sciences on the basis of science, to acquaint students with research methods. It develops in students the ability to approach various economic phenomena objectively. As the student acquires scientific knowledge, his thinking ability grows and develops. It should be noted that one of the most important tasks of modern personnel is to rationally organize team work in business and management, knowing their identity, abilities, individuality, personal qualities and qualities as highly qualified professionals and talented professionals in all spheres of socially useful work and entrepreneurship is to operate as [2:61]. In this case, the place and role of the sciences of pedagogy and psychology, which study the laws related to human behaviour, character and psyche, is enormous. Improving the quality and efficiency of the educational process largely depends on the extent to which educational tools are provided. The tools that help to carry out the learning process are called learning tools. In general, educational tools help students to gain a deeper understanding of the environment and the nature of the events being studied in the learning process. For the teacher, as an information base, it serves as an important factor in organizing the learning process and controlling knowledge.

Therefore, the pedagogical profession is a great art. Not all educators can easily and spontaneously achieve this art. To do this, the teaching profession, that is, the desire of a healthy generation to become a true coach, has a great passion, a quick and deep understanding of modern requirements, consistent implementation of its scientific, socio-political level, pedagogical skills, well-armed with the idea of independence and ideology. Only hardworking people can achieve.

Engaging in pedagogical activity and pedagogical skill is not an innate talent or a hereditary trait, but a product of research, creative lab or. At the heart of this multifaceted pedagogical activity lies creative work. That is why pedagogical activity is not a standard for all teachers, that is, a standard way of working, but it is formed and developed in the process of creative work of each teacher. In this process, the pedagogical activity, skills and experience of an advanced teacher should be studied by another teacher, used creatively and enriched by advanced experience. The pedagogical skills of the teacher are mainly evident in the

classroom, in the classroom. Because teaching is, by its content and essence, the main job of a teacher in an educational institution [1:61].

Therefore, it should be scientific, ideological and popular, connected with marriage and the level of preparation of students. In the process of education, the teacher and the student need to have a lively language, communication, sincere attitude, respect, cooperation in achieving the main goal. Shallow, practical experience, detached from marriage, general speech and dry exhortation, superficial formal lectures and other lessons do not interest students, do not feed them scientifically and ideologically enough.

Therefore, it is necessary to organize the training in such a way that under its influence, students should have different views, scientific thinking and beliefs in this subject. Pedagogical ability and skill are not easily formed in a teacher. In order to achieve his goal, a person who chooses the teaching profession must constantly study, study and research, work creatively, quickly understand the realities of our independent country and deeply feel the importance of their work for the country. The content of most of the lessons included in the curriculum, aimed at preparing future teachers for creative activities, is aimed at the formation of the teacher-student personality. While this situation has a positive effect on the formation of the teacher as a qualified specialist, it does not serve to master the methods of preparation for creative activities that can be directly applied in his professional and pedagogical activities.

The concept of creativity in the preparation of future teachers for professional activities is interpreted in a certain limited sense, usually in the sense of preparation for the implementation and management of technical creativity. In the process of realization of the national model of training, a person is formed not only in connection with technical or artistic creativity, but also in the formation of research creativity, which requires more in-depth knowledge. The content of most of the lessons included in the curriculum, aimed at preparing future teachers for creative activities, is aimed at the formation of the teacher-student personality. While this situation has a positive effect on the formation of the teacher as a qualified specialist, it does not serve to master the methods of preparation for creative activities that can be directly applied in his professional and pedagogical activities. As students acquire theoretical knowledge, they should be able to distinguish its important features and rules [3:40-45].

They need to be taught the ability to unravel the essence of knowledge, because the topics, rules and definitions covered are only remembered and well mastered. The teacher can use problem-based teaching methods of teaching, which are widely used in the teaching process, in order to form and reveal these skills in students. In doing so, the teacher creates a problematic situation, organizes a discussion for students to solve the problem, asks them consistent questions, and this method is especially useful in imparting economic knowledge. A variety of examples, charts, graphs, and tables can be used to create and solve a situation in order to strengthen students' memory and develop independent thinking. The more rigorously the theoretical knowledge is expressed in teaching, the clearer and more accurate the student's thinking will be, and the more complete, conscious mastery of the teaching materials will be. Students should not be limited to the acquisition of theoretical knowledge in the learning process. They must combine

theoretical knowledge with practice. Achievements in education are based on the interdependence of theory and practice. Only if students can apply their knowledge in practice, if they can apply it in practice, can they become true experts in their profession.

When we look at the history of mankind, the birth of every child from its mother is not just a natural-biological phenomenon of birth, but it is born with buds of a certain ability. But he is a human being, a parent in the family as a person; and in society it is formed through the activities of

educators and various communities in the educational process. As society developed, so did the need to nurture mature, well-rounded individuals, and they changed, renewed, and served society. In the process of creating educational institutions at different stages of human society, theoretical understanding, generalizing and applying the accumulated experience in the field of teaching and educating the younger generation, pedagogical science and pedagogical education emerged on the basis of the needs of society.

References

1. Xoliqov A. Pedagogical skills. -T.: 2010. B-61.
2. Ataeva N., Salaeva M., Hasanov S.. General pedagogy. -T.: 2013, -P. 61.
3. Yusupov H., Eshpulatov Sh. Formation of pedagogical skills in future primary school teachers. – Samarkand: 2008, -P. 40-45.

РЕЗЮМЕ

Ушбу мақолада ижодий жараёни тадқиқ қилиш, ижодий талаба учун қулай муҳит яратиш, янги нарсаларни ихтиро қилиш, янги модель яратиш, асл санъат асарини яратиш, мавжуд моделини факат кичик томонига ўзгартириш киритиш, мустақил қарорлар қабул қилиш, шахсий ҳулосалар чиқариш ҳақида сўз боради.

РЕЗЮМЕ

Данная статья представляет собой исследование творческого процесса, создание благоприятной среды для творческого ученика, изобретение нового, создание новой модели, создание оригинального произведения искусства, внесение небольших изменений существующей модели, делать независимые решения, приводить личные выводы.

SUMMARY

The article studies creative process, creating comfortable environment for gifted students, inventing a new things, new models, creating a real waster pieces of art, and also there presents some changes into ready objects, independent decisions, drawing personal conclusions.

ПСИХОЛОГО-ПЕДАГОГИЧЕСКИЕ ОСНОВЫ ОБУЧЕНИЯ СТУДЕНТОВ РУССКОМУ ЯЗЫКУ КАК ИНОСТРАННОМУ СРЕДСТВАМИ КОМПЬЮТЕРНЫХ ТЕХНОЛОГИЙ

А.А.Позиллов – старший преподаватель

Гулистанский государственный университет

Таянч сўзлар: олий таълим муассасаси, ахборот коммуникатив технологиялари, инглиз тили, тилни ўқитиш.

Ключевые слова: высшее учебное заведение, информационные и коммуникационные технологии, английский язык, обучение языкам.

Key words: higher educational institutions, ICT, Russian language, language teaching.

Современная образовательная политика активизировала процессы международных контактов, в том числе приток иностранных студентов, обучающихся в узбекских вузах. Расширяется пространство взаимодействия, общения в сфере учебной, научной, духовной, социокультурной деятельности, что обеспечивает возможность разностороннего обмена информацией. В этой связи возникают новые направления в образовательном поле как в Узбекистане, так и за рубежом. Многие узбекские вузы считают подготовку русскоязычных кадров одним из приоритетных направлений своей деятельности. Обучение учащихся русскому языку в современных условиях требует не только специальной профессиональной подготовки педагогов, но и специфических форм, методов и средств обучения. В этом направлении действует ряд педагогических факультетов, где проходят подготовку преподаватели русского языка и литературы для профессиональной деятельности со студентами, аспирантами, стажерами.

Анализ отечественного и зарубежного опыта обучения иностранному языку показал, что эта система обладает возможностями совершенствования, обусловленными современными компьютерными технологиями. В настоящее время система обучения русскому языку как иностранному не вполне удовлетворяет потребностям современного общества. Так, привлечение в педагогической практике компьютерных технологий для повышения эффективности обучения языку является недостаточным. Наблюдается явное несоответствие уровня теоретического осмысления этих технологий потребностям практики, накопленному опыту и современному уровню развития педагогической науки.

Таким образом, можно констатировать противоречия:

- между содержанием и формами информационно-компьютерной подготовки преподавателей вуза для работы со студентами, их недостаточной компетенцией

в этой области и отсутствием системного теоретического знания в подготовке преподавателей для работы с информационно-компьютерными технологиями;

- между возможностями компьютерных технологий обучения, личностными потребностями учащихся в этих технологиях и реальной педагогической практикой обучения русскому языку как иностранному в вузе, которая строится в основном на традиционных подходах и не использует компьютерный ресурс в должной степени.

С учётом этих противоречий определена проблема исследования, которая может быть сформулирована следующим образом: педагогические основы обучения студентов русскому языку как иностранному средствами компьютерных технологий.

Проблема исследования определяет и его цель, заключающуюся в разработке педагогических основ компьютерного обучения иностранных студентов русскому языку, более эффективного по сравнению с существующей психолого-педагогической профессиональной практикой.

Исследование опирается на работы, связанные с исследованием познавательной активности и средств ее формирования, проблемами развивающего обучения, разработкой способов формирования познавательных потребностей и ценностных ориентиров, развитием социализации-индивидуализации личности в онтогенезе, развитием исследовательской культуры будущего педагога, научными основами готовности к профессиональной деятельности, знаниями об общих закономерностях профессионального развития педагогов.

В работе применяются следующие методы исследований:

- теоретический анализ современной литературы по профессиональной педагогике и психологии, её семантической детерминации;

-специальной литературы по преподаванию иностранных языков и усвоению знаний, коммуникативной компьютерной лингвистике, компьютерным технологиям;

-идеализация, моделирование, научное прогнозирование и проектирование, диагностическое и монографическое описание; логико-гносеологические методы (наблюдения, изучение опыта, педагогические эксперименты);

-диагностические методы (тестирование, анкетирование, обобщение независимых характеристик), базирующиеся на методе корреспондентского сбора данных, обобщение инновационного педагогического опыта преподавания иностранных языков и русского языка как иностранного с помощью компьютера, эмпирические методы наблюдения за коммуникативно-речевой и деятельностью иностранных студентов с использованием ЭВМ, психолого-педагогический и диагностико-статистический анализ учебной деятельности студентов, качественный и количественный анализ результатов экспериментов.

В экспериментальных работах приняли участие более 200 студентов 1 и 2 курсов из числа, которых были сформулированы экспериментальные и контрольные группы.

Этапы исследования включили следующие:

На первом этапе проводился анализ научно-педагогических и учебно-методических материалов по проблемам использования средств информационно-коммуникативных технологии при изучении русского языка в условиях информатизации образования. Выявлены психолого-педагогические цели использования средств информационно-коммуникативных технологии в процессе обучения русскому языку и разработаны требования к структуре, содержанию учебного материала и организации учебной деятельности с использованием средств информационно-коммуникативных технологии на уроках русского языка. Были определены теоретические и практические подходы к проблеме, изучен обширный библиографический материал, проведен анализ литературных и других источников. На основе этого была сформулирована тема исследования, определена его проблема, объект, предмет, цель, гипотеза, задачи, обоснован выбор методологии и методов исследования.

На втором этапе:

-были определены основные направления обучения студентов, использованию средств ИКТ на уроках русского языка в профессиональной деятельности и разработана информационная система с иллюстрациями и заданиями;

-были апробированы готовность студентов применять ИКТ в своей профессиональной деятельности, разработана методика исследования.

На третьем этапе была проведена экспериментальная работа по использованию средств современных ИКТ на уроках русского языка.

В ходе эксперимента активно использовались методы исследования, как беседа, тесты, диспуты, игры и дискуссии. Исследование показало, что использование современных ИКТ вместе с новыми педагогическими разработками значительно повышают эффективность обучения и ее роль в формировании современного образа мышления будущих специалистов -учителей русского языка и литературы.

Также, опытно-экспериментальная работа подтверждает первоначальные теоретические предположения, а разработанная методика может быть использована при изучении русского языка для повышения эффективно-

сти обучения и повышения информационной культуры студентов.

Наиболее существенные результаты, полученные лично соискателем, их научная новизна и теоретическое значение работы заключаются в том, что впервые разработана теоретико-практическая концепция, синтезирующая научные основы компьютерного обучения русскому языку как иностранному, преподавателем, профессионально подготовленным к использованию компьютерных технологий в вузе:

Ўсмирлар хулқ-ҳаракатларидаги хулқ оғишларнинг сабаблари сифатида, жамиятдаги сиёсий, ижтимоий-иқтисодий беқарорлик, ёшларнинг қадрият йўналишлари таркибидagi ўзгаришлар, ноқулай оилавий муносабатлар, хатти-ҳаракатлар устидан назоратнинг йўқлиги, ота-оналарнинг ҳаддан ташқари болаларни эркин қўйиши ҳамда оилавий ажрим ҳолатлари кўрсатилмоқда. Мана шу омилларнинг барчаси боланинг ўзига бўлган ишончини, ҳаётий вазиятларда ўзини ўзи ҳимоя қилиш қобилиятини йўқ қилади, шунингдек, уларда ёлғизлик ва ишончсизлик ҳисларини вужудга келтиради.

Девиант хулқ-атворни келтириб чиқарувчи омилларга, тадқиқотчилар ирсиятни, ижтимоий муҳитни, таълим-тарбияни ва шахснинг ижтимоий фаоллигидаги сусткашликларни сабаб қилиб

кўрсатишмоқда. Ушбу омилларнинг барчаси таъсир кучига эга, аммо уларнинг салбий оқибатлари ва ўсмирлар хатти-ҳаракатларининг мазмуни ўртасида тўғридан-тўғри боғлиқлик йўқ. Бундан ташқари, инсоннинг ижтимоий муҳит билан муносабатларидаги ўзига хос хусусиятлар ҳам ётади. Қуйида девиант хулқ-атворни келтириб чиқарувчи баъзи омилларга тўхталиб ўтаемиз.

Ўсмирларнинг салбий хатти-ҳаракатларига сабаб бўлувчи омиллардан бири бу, оилада болалар ва ўсмирларга нисбатан нотўғри тарбиядир.

А.В.Моложавенконинг айтишича, тарбияси оғир ўсмирлар асосан нотўғри оилаларда ёки шароити оғир оилаларда яшайди. Ўсмир ота-оналари ўртасидаги низолаб ҳар кун гувоҳ бўлиб, ўз ички дунёсига нисбатан бепарво бўла боради. Ўсмир бу ҳолатни ҳар доим ҳам юзага чиқаравермайди. Баъзида мазкур муаммо жуда чуқур яширинган бўлади. Психолог ўсмир билан суҳбатда бўлгандагина, оиланинг турмуш тарзи, ахлоқий сифатлар, қадриятлар тизими ҳақида маълумотга эга бўлади. Бу эса, муаммони аниқлашнинг энг мақбул усули саналади [3]. Демак, тарбия омили девиант хулқ-атворни бартараф этишнинг дастлабки босқичидир.

И.А.Горковаянинг фикрига кўра, ўсмирларда юқори хавф муҳитини яратадиган оилалар типини қуйидагиларга ажратилади [4]:

– тўғри бўлмаган оилалар, яъни фақат оналар, кам ҳолларда оталар ёки ўсмирларнинг бувиши ёки бобоси тарбиялаб келаётган оилалар;

– низоли оилалар, ота-оналар ўртасидаги муносабатларда кескинлик, ўзаро тушунишнинг йўқлиги, ўзаро муносабатларда аниқ фарқлар мавжуд, улар учун тинчлик ва ҳамжихатлик бегона;

– вақтинчалик ажримлар ва қийин пайтларда зиддиятларга берилиб кетиш, доимий келишмовчиликка мойил оилалар;

– “Антисоциал оила” – қонунларга бўйсунмай яшаш, пала – партия ҳаёт тарзи, бунда оила аъзоларининг ҳаракатлари доим қонунларга зиддир;

– расмий оила – эҳтиёжлар, ҳаётий мақсадлар, оила аъзолари ўртасида ўзаро ҳурмат йўқлиги;

– оилавий мажбуриятлар расмий равишда бажарилади, қўпинча ота-оналар ажралиш арафасида туришади, бу эса моддий ва уй-жой масалаларига ҳалакит беради;

– ичкиликка ружу қўйган оилалар – бу ҳолатда оила аъзоларининг асосий манфаатлари, спиртли ичимликларни истеъмол қилиш билан белгиланади;

– руҳий касал ота-онаси бўлган оилалар. Мазкур ҳолатда ўсмир шахсини ҳар томонлама ривожлантириш учун шарт-шароитлар яратилмайди.

Юқорида келтирилган ҳар бир оила типлари ўзига хос микро муҳит бўлиб, аксарият салбий иллатларнинг юзага келишига замин яратади.

Б.В.Кайгородовнинг таснифича, девиант хулқ – атворга сабаб бўлувчи, номувофиқ ота-оналарга хос қуйидаги хусусиятлар мавжуд [5]:

– “Бепарволик” – ўсмир ўзини ўзи тарқ этганда, ота-онанинг эътиборидан четда қолганда, ғамхўрликдан

маҳрум бўлганда, унинг ишларига, тажрибаларига, муаммоларига қизиқиш бўлмаганда кечади;

- яширин эътиборсизлик – ота-оналар ўзларининг мажбуриятларини расмий равишда бажаришади, бу жараёнда бола тарбиялашга қизиқиш пайдо бўлади, аммо ота-оналар ноаниқ таклиф ва моддий ёрдам беришдан нарига ўтмайди, улар ўсмир томонидан вазифаларнинг бажарилишини талаб қилмайди;

- енгил бепарволик – ўсмирнинг ўзини тута билмаслиги ва хатти-ҳаракатларига ота-оналарнинг зимдан бепарво бўлиши;

- ҳиссий рад этиш - ота-оналар ўсмирга оғирлик қилишади, яъни ўзаро тушунмаслик;

- ўсмир ўзини ота-онасининг ҳаётида оғир юк эканлигини ҳис қилади;

-“Шоҳона тарбия” – ота-оналар, ўсмирларнинг ёши ва имкониятларини ҳисобга олмай, ҳаддан ташқари эркин қўйиши, болани ҳаддан ташқари эркалаш ва қўқларга қўтариш;

- болаларни тартибли муносабатлар шароитида тарбиялаш – кичик ҳуқуқбузарликлар учун қаттиқ жазолар ва бефарқ ва совуқ муносабатлар сабаб сифатида кўрсатилади;

- боладаги худбин муносабатларни рағбатлантириш, намоёиш қилиш истаги ва “тан олишга чанқоқлик”.

Юқорида қайд этилган таснифларга кўра кўпроқ ота -оналар ролининг юқорилиги назарда тутилади.

Ўсмирларнинг хулқ-атвор меъёрларидан четга чиқишнинг асосий сабабларини таҳлил қилганда, мактабдан ташқари муассасаларнинг аҳамияти ҳам катта рол ўйнаши кузатилади. Шунингдек, оила марказлари, ўз-ўзини бошқариш органларининг тарбиявий ишларидаги хато ва камчиликлари, муаммоли оилалар билан етарли даражада ишламаганликлари, оиладаги ноқулай тарбия шароитида педагогик эътиборсизлиқнинг шаклланишига ёрдам беради. Бундан ташқари, мактаб ҳаёти ҳам ўқувчиларининг камолоти учун катта аҳамиятга эга бўлиб, уларнинг таълим жараёнига муносабати, ўқишдаги фаоллик, педагоглар томонидан тўғри ташкил этилган таълим усуллари, девиант хулқни бартараф этишнинг асосий омилларидан саналади.

Девиант хулқли ўсмирларнинг аксарияти, яхши ўқимайди, ижтимоий топшириқларни вақтида бажаришмайди. Бундай ўсмирларнинг мактабга муносабати одатда салбий бўлади.

Т.В.Ахутинанинг фикрича, ўсмирлардаги ижтимоий-интеллектуал ривожланмаслик синф, ўқитувчилар, ота-оналар билан кечадиган муносабатларда низоларнинг ривожланишига сабаб бўлади. Ўсмирлар аста-секин ўз тенгқурлари билан бўладиган мулоқот доирасидан чиқиб кета бошлайди [6]. Демак, мактаб таълимидаги оқсоқлик ва ўзаро мулоқотнинг бузилиши ҳам хулқни оғишганликнинг бир белгисидир.

Тиббий ва биологик омиллар. Девиант хулқни келтириб чиқарувчи омиллардан бири бу тиббий ва биологик асослардир. Айнан, ирсият инсон химоя механизмларини суллаштиради ва организмнинг мослашувчанлик функциясини чеклайди. Шахснинг ривожланишига олиб келадиган ғайритабiiй хусусиятларнинг ирсiiйлиги, кўпинча жамиятдаги хатти-ҳаракатларни тўлиқ тартибга солишга қодир эмас, айниқса ноқулай, инкирозли вазиятларда бу яққол

намоён бўлади. Ота-оналарнинг ичкиликка ружу қўйиши билан боғлиқ хуусусиятлар ирсiiйлиги билан характерланади. Мазкур омил мия фаолиятида химоя механизмларининг етишмовчилигида намоён бўлади ҳамда нейрoпсихик патологиянинг хилма-хил шакллари: аклий заифлик, характер шаклланишидаги бузилишлар ва ҳоказоларда учрайди.

О.Ф.Макарованинг фикрича, ирсиятнинг таъсири орқали ўсмир мияси асаб хужайраларининг биологик нуқсонлари кузатилади, чунки ичкиликка ружу қўйиш оқибатида ота-оналардан биттаси ўта оғир сурункали касалликларни бошдан кечирган бўлиши мумкин [7]. Демак, касалликлар ҳам ирсiiй характерга эга, керак бўлса инсондаги девиант хулқ кўринишларига сабаб бўлади.

Инсондаги турли девиацияларнинг пайдо бўлишида ўсмирликнинг ўзига хос хусусиятлари ҳам муҳим рол ўйнайди, яъни тананинг тез ўсиши, балоғатга етишнинг бошланиши ва тугаши, шу жумладан, марказий асаб тизими функцияларининг яхшиланиши қабилар ҳисобга олинади. Ҳозирги замонавий ҳаёт тарзи, ярим аср олдингидан кўра, ўсмир ривожланишига кўпроқ таъсир қилади, яъни ҳаёт суръати тезлашган. Шу билан бирга, ўсмирларнинг қизиқишлари, ҳиссий бекарорлиги, мақсади ва хоҳишлари кун сайин ўзгармоқда. Ушбу жараёнда жисмоний ривожланиш ва ижтимоий мослашув ўртасида номуаносиблик келиб чиқади. Ва охир-оқибат уларда меъёрлардан четга чиқиш ҳаракати содир бўлади.

Психологик омиллар. Ўсмирлик – бу шахс шаклланишининг ўта мураккаб, оғир палласи ҳисобланади. Баъзан ўсмирликда юзага келувчи сифат ўзгаришлари ўзига хос салбий рекциялар орқали намоён бўлади. Тадқиқотчи

Т.И.Короткова ўсмирларда девиант хулқ кўринишлари ҳамда ушбу хулқнинг психологик механизмлари ўртасидаги боғланишни аниқлашга ҳаракат қилади ва вояга етмаганлар жиноятчилиги мотивларини қуйидаги гуруҳларга бўлиб кўрсатади:

1. Ёш даври хусусиятига хос бўлган жисмоний фаолликнинг ошиши (ҳар нарсани уруш- жанжалга такаш);

2. Салбий характерга эга бўлган вазиятли ҳиссий кечинмалар ва шу кечинмаларга боғлиқ ҳолда намоён бўладиган ва унинг йўқолиши билан барҳам топадиган бошқа ҳолатлар;

3. Салбий ҳаётий шароитларнинг узоқ муддатли таъсир этиши натижасида пайдо бўладиган салбий кечинмалар.

4. Оғишган хулқ, шахс хусусиятлари билан ташқи муҳит ўртасидаги мураккаб боғланишли жараён бўлиб, бу жараёнда ўсмир шахси субъект сифатида ташқи муҳит ахборотларини қабул қилади ва қайта ишлайди. Объект сифатида эса, ташқи муҳит воқе-ходисалари шахсга таъсир этувчи элемент сифатида ифодаланади.

Хулоса қилиб айтганда, юқоридаги ҳолатларда ҳар бир мактаб амалиётчи психологи, синф ўқитувчилари, ота-оналар ўз вақтида, ўсмирлар хулқ-атворидаги оғишнинг асосий сабабларидан хабардор бўлиши, унинг олдини олишнинг ўзига хос чора-тадбирларини ишлаб чиқиши лозим. Агар, бундай психопрофилактик ишлар ҳамкорликда олиб борилса, у ҳолда девиант хулқни келтириб чиқарувчи турли омилларнинг вақтида олди олиниши эҳтимолдан ҳоли эмас.

Адабиётлар

1. Медведева Е.С. Сущность и существование девиантного поведения. -Красноярск: ГОУ ВШ, 2007. - С. 58.
2. Кондратьев М.Ю. Типологические особенности психосоциального развития подростков // Вопросы психологии. 1997. № 3. -С. 69-78.
3. Моложавенко А.В. Особенности формирования аддитивного поведения у старшеклассников. //Журнал практического психолога. 1999. №12. -С. 109-121.
4. Горьковая И.А. Влияние семьи на формирование делинквентности у подростков // Психологический журнал. -Т.: 15. 1994. № 2. -С. 57-65.

5. Индивидуальный подход в работе с трудными детьми: Методические рекомендации/Сост. Б.В. Кайгородов. Изд-во АГПИ, 1993. –С.97.
6. Ахутина Т.В. Психолого-педагогическое обеспечение коррекционно-развивающей работы в школе: пособие для администрации школ, педагогов и школьных психологов. М.:1997. – С.43.
7. Макарова О.Ф. Подростки: Агрессивность и психосоматика. //Журнал практического психолога. 1999. № 7-8. -С. 37-40.

РЕЗЮМЕ

Ушбу мақолада ўсмир ёшларда девиант хулқ-атворга ҳос хатти-ҳаракатларнинг бузилиши ва уларни келтириб чиқарувчи омиллар ҳақида маълумотлар изохлаб ўтилган.

РЕЗЮМЕ

В статье представлена информация о девиантных поведенческих расстройствах подростков и их факторы, которые приводят к ним.

SUMMARY

This article provides information on deviant behavioral disorders of teenager, adolescents, and the factors that lead to them.

UDC 159.9.07. Psychology

MAIN PROBLEMS OF PROVIDING PSYCHOLOGICAL SERVICE TO THE FAMILY

F.A.Akramova - *PhD of psycholoical sciences, associate professor*

Tashkent state pedagogical university named after Nizami

Таянч сўзлар: оила, оилавий психологик хизмат, оила вазифалари, оила типлари, оилавий низолар, оилавий низо омиллари, оилага психологик маслаҳат.

Ключевые слова: семья, психологическая служба семье, функции семьи, типология семьи, семейные конфликты, факторы семейных конфликтов, психологическая консультация семье.

Key words: family, psychological service to the family, functions of the family, family typology, family conflicts, factors of family conflicts, psychological counseling to the family.

The role of the family in a person's life is so important that it is rightly regarded as the foundation of any society. After all, the family is a special sphere of social life, where the birth, formation and formation of a person takes place, who will live in society and become a citizen of the state.

The regulation of family relations is carried out on the basis of the principle of voluntariness of the marriage of a man and a woman [1], the legal basis of which is enshrined in the Constitution and in the Family Code of the Republic of Uzbekistan [2].

The family is a small unit of society, a hotbed of early education, the main wealth and support of the power of the Motherland. The family is a kind of public institution, where interests are inextricably linked with the interests of society [3]. Also, the family can be represented as a single organism in which all life processes are interconnected and interdependent.

The family is also called «a social institution, that is, a stable form of relationships between people» [3].

The family provides its members with psychological, social, economic and physical security; caring for minors, the elderly and the sick; conditions for the socialization of children and youth. The main functions of the family include: reproductive - maintaining biological continuity through the birth of children; the creation of cultural continuity, the transfer of their heritage to a new generation, sexual relations, psychological functions, communicative (communication), economic, a sense of joy, happiness, etc. [4].

In different periods of a family's life, the hierarchy of family functions changes: one or the other takes priority. So, for a young family, the most important is the biological function, while for the elderly, the emotional one is more important.

In their unity, the listed functions represent a system of family relations, the emergence of dysfunction in this system, that is, a mismatch in their interaction as a whole, leads the family into a conflict situation. Ignoring, and sometimes a complete refusal of the family for one reason or another, from performing any function destabilizes the family way of life, there is a threat of its disintegration. Families whose social functioning is difficult for subjective or objective reasons are characterized as families of social risk.

There is also a typology of social risk, i.e. the identification of families where, due to objective or subjective conditions, social functioning is difficult, and they are practically inevitably in a state of difficulty in life.

At present, the social protection of the family, in contrast to the previously existing social security system, is a multifaceted activity, differentiated in relation to various groups of the population and structured across different ministries and departments, public organizations and institutions.

Unfortunately, in the context of globalization, problems arise in the family. This was initially reflected in family education: the sources of cultural and cognitive information, influencing the formation of people's worldview, expanded; the participation of parents in the educational process decreased, especially the influence of external factors negatively reflected in the life of families.

It should be noted that the nature and style of upbringing in the family changes dramatically in cases of parental divorce. Children are extremely sensitive to separation and breaking contacts with one of the parents. Divorce breaks the old habitual relationship with the parents, puts before the child the task of choosing a new relationship with divorced parents, which is unbearable for his age, which is especially difficult in case of remarriage of one of them. In cases of parental divorce, the children develop feelings of loneliness, restlessness, and feelings of inferiority. Based on this, it is necessary to conduct psychological services for the family. One of the types of psychological services is psychological counseling. When conducting psychological counseling, it is necessary to have knowledge and skills of working with families, first of all, their classification. Families are classified into the following types:

1. Complete, incomplete and reorganized (second marriage) families - on the basis of completeness.
2. Nuclear (parent and child) and multigenerational families (two or more generations live together) - by the number of generations living in the family.
3. Families without children, families with one or two children, families with more children - by the number of children in the family.
4. The family of workers, employees, entrepreneurs, farmers, etc. - by social origin.
5. By the degree of education of the spouses: secondary

education, specialized secondary education, a family with higher education, and more.

6. Young family (families with 3-5 years old and 6-10 years of life experience), middle-aged family, older generation family - according to the "age" of the family.

7. Urban, rural, mixed family - on a regional basis.

8. According to the level of satisfaction with marriage: with a low level of satisfaction with marriage, with a high level of satisfaction with marriage.

9. According to the style of management, the family is authoritarian, democratic, liberal and of a mixed type.

10. By nationality: international, families of the same nationality [3].

In modern conditions, all types of families above are in need of psychological assistance.

Family specialists explain the types of families to solve their problems:

1. Families that can solve problems. The spouses are aware of the problem and know how to find the most appropriate solution to eliminate it.

2. Families that can adapt to adverse conditions. Spouses are flexible in their relationships, as a rule, do not adhere to strict role regulation.

3. Families with latent disabilities. The conflicts that arise due to a violation of mutual understanding are quickly resolved, thanks to a moderate level of conflict and the ability to avoid pressure.

You can also give a number of possible reasons for the violation of communication in the family, which can lead to its disintegration [4]:

1. The dissimilarity of attitudes, which is expressed in the mismatch of tastes, the presence of diametrically opposed personal interests, the inability to spend free time, etc.

2. The use of reproaches, accusations, threats, scandals in communication between spouses, gradually destroying even the most friendly atmosphere. This behavior creates anxiety, insecurity, and misunderstanding.

3. Loss of the meaning of life at any stage due to extraordinary circumstances. You can also give a number of possible reasons for the violation of communication in the family, which can lead to its disintegration [4]: As part of our scientific research, we interviewed families who are already divorced or are on the verge of divorce and who need psychological assistance. The number of respondents to this study was 1200 families, the sample of which is representative.

According to the results of the study, the main factors influencing the dynamics of the growth of family conflicts, subsequently divorces, were identified:

1. Economic - difficult living conditions, material difficulties, loss of contact with the family of one of the spouses who left for work (labor migration);

2. Social - alcoholism, infertility, early age at marriage;

3. Psychological - unhealthy psychological climate of the family, lack of mutual understanding, regular conflicts, parental interference in the family life of young spouses, indifference to each other;

4. Spiritual and moral - a decrease in the importance of the institution of the family in society, the absence of condemnation of non-traditional forms of the family;

5. Institutional factors - ineffective work with families of ministries and departments, local authorities, specialized organizations.

In the presence of the above factors, families also need to organize psychological assistance in the form of psychological counseling [5].

Psychological counseling for a family imposes certain requirements on the counselor, without following which work cannot be successful. First of all, he is responsible by his family, to the client, who is in a system of diverse relationships, therefore, the consultant is responsible to the family members of the client, to the organization in which he works, and finally, to his profession. This responsibility makes it especially important to conduct psychological counseling and psychological assistance. It should be noted, taking into account this feature, at present in all countries attention is paid to the professional ethics of a consultant-psychologist, especially a family psychologist [9].

However, it is not so easy for a family psychologist to conduct psychological counseling, because there are some objective reasons:

1. It is difficult to adhere to the established standards of conduct in family counseling because each consultation object is individual.

2. Most counselors practice in specific institutions (clinics, centers, schools, private services, etc.). But in the case of psychological counseling to the family, the counselor psychologist faces a difficult choice.

3. A family counselor psychologist often finds himself in contradictory situations when, adhering to the requirements of one norm, he violates another [6].

For example, in dealing with suicidal clients, marital divorce and other negative situations, it is difficult to fully adhere to certain principles. If you try to ensure the safety of the client, then it is difficult not to violate his autonomy, the right to free self-determination, and, consequently, not to encroach on his personal dignity and values. On the other hand, if nothing is done and the client's autonomy is protected, his well-being and even his life will be threatened.

It is possible to formulate the following main problems in the conduct of family counseling by a psychologist: improper use of psychological knowledge, the impact of personal problems on professional activities, relationships with clients, the use of information received in the course of professional activities, consultation with clients recommended by another psychologist, the desire to give advice on a template, without taking into account the peculiarity of the relationship and the type of family.

The analysis of the study made it possible to formulate the following proposals and recommendations:

- to organize a psychological service for families in a conflict situation, psychological depression, stress, etc.

- introduction of family mediation as an alternative system for preventing conflict situations in the family.

- development of practical measures for family counseling.

- to develop practical recommendations for resolving family conflicts.

- strengthening the role of educational institutions in raising people's awareness of the socio-psychological, economic, medico-cultural, legal aspects of family life.

References

1. The Constitution of the Republic of Uzbekistan. - T.: 2013, 3-section, chapter XIV, article 65
2. Family Code of the Republic of Uzbekistan //lex.uz
3. Andreeva T.V. Psychology of the modern family. Monograph. SPb.: Rech, 2005, -P. 436.
4. Druzhinina V.N. Family psychology. - 3rd ed. - SPb.: Peter, 2006, -P.176.
5. Elizarov A.N. Psychological counseling: Textbook. - M.: 2004, Os 89, 400 s.
6. Karabanova O.A. The psychology of family relationships and the basics of family counseling. - M.: «Gardariki», 2008, -P. 320.
7. Kovaleva A.V. Interpretation of the system of family values and its components in modern society. // Scientific notes of TGOU. T.2. 2011.1. - P.34-40.
8. Psychology of family relations: lecture notes. // Comp. S.A.Velikova. - M.: AST; SPb. Sova, 2005, -P. 127.

9. Socio-psychological and counseling work with the family: Reader / Comp. LB Schneider: At 2 o'clock - M.: Publishing house of the Ministry of State Social Information; -Voronezh: NPO Mdek, 2004. Part 2. -P. 586.

РЕЗЮМЕ

Оилавий психологик хизматни олиб боришда оила ҳақидаги билим ва малакалар зарурдир. Мақолада оилага психологик маслаҳатни олиб боришда оила типлари, оила вазифаларининг бажарилиши даражалари, оилаларнинг ижтимоий-психологик ва демографик характеристикаларини билиш зарурлиги асосланган, муҳим тавсиялар берилган.

РЕЗЮМЕ

При оказании психологической помощи семьям необходимы знания и навыки о семье. В статье обоснована необходимость проведения психологической консультации с учётом типологии семей, уровня выполнения функций в семье, социально-психологических и демографических характеристик семей, даны необходимые рекомендации.

SUMMARY

When providing psychological assistance to families, knowledge and skills about the family are necessary. The article substantiates the need for psychological counseling, taking into account the typology of families, the level of performance of functions in the family, socio-psychological and demographic characteristics of families, and presents the necessary recommendations.

МАКТАБГАЧА ЁШДАГИ БОЛАЛАР БИЛАН АЛОҚА ЎРНАТИШДА УЛАР КОММУНИКАТИВ ҚОБИЛИЯТЛАРИНИНГ ПСИХОЛОГИК ХУСУСИЯТЛАРИНИ АНИҚЛАШ

Ш.Дж.Бекова – докторант

Қарши давлат университети

Таянч сўзлар: таълим ташкилоти, мактабгача ёш, тарбияланувчи, коммуникатив қобилият, психологик хусусият, муносабат, бола, ота-она, позитив муносабат, ривожланиш, коммуникатив алоқа, имконият.

Ключевые слова: образовательная организация, дошкольный возраст, воспитатель, коммуникативная способность, психологическая черта, отношение, ребёнок, родитель, позитивный настрой, развитие, коммуникативное общение, возможность.

Key words: educational establishment, preschool child, foster, communicative skill, psychological character, attitude, child, parents, positive attitude, development, communicative rapport, opportunity.

Таълим тизимида шахснинг коммуникатив қобилиятлари масаласини ўрганиш муҳим психологик тадқиқотлардан бири ҳисобланади. Шу нуқтаи назардан қараганда мактабгача ёшдаги болаларда коммуникатив қобилиятлар ривожланишининг психологик хусусиятларини ўрганиш ва уни амалиётга жорий этишда педагогик-психологик жиҳатдан ёндашиш ушбу соҳа бўйича мамлакатимизда амалга оширилаётган тадқиқотларга ёрдамчи унсур вазифасини ўтайди. Биз ҳам илмий тадқиқот ишини олиб бориш жараёнида жамият маънавиятини барқарорлаштиришда мактабгача ёшдаги болаларнинг коммуникатив қобилиятларини, саводхонлик даражаларини шакллантириш қандай кечаётганлиги, уларнинг ўзаро муносабатга қай тарзда қиришаётганлиги, мулоқот давомида юзага келадиган қийинчиликлар ва улардан муҳофазаланиш каби бир қатор психологик

хусусиятларнинг ролини ўрганишга ҳаракат қилдик. Ушбу йўналишга ҳос муаммоларни таҳлил этиш учун жаҳон психологияси тажрибаларини методологик асос сифатида изланишларимизга татбиқ қилишга ҳаракат қилдик.

Илмий тадқиқот ишини амалга оширишда Қарши ва Самарқанд шаҳар ҳамда Қашқадарё вилоят Косон туманидан мактабгача ёшдаги 425 нафар 5-6 ёшли болалар танлаб олинди ва бу жараёнида болалар коммуникатив қобилиятларининг психологик жиҳати билан бир қаторда, уларнинг индивидуал ва ижтимоий-психологик хусусиятларига ҳам эътибор қаратилди. Шу асосда мактабгача ёшдаги болалар коммуникатив қобилиятларининг психологик хусусиятларини ўрганиш учун Н.Е. Веракснинг “Коммуникатив қобилиятларни аниқлаш” методикасидан фойдаланиб, қуйидаги кўрсаткичларга эришдик.

Болалардаги коммуникатив имкониятларни аниқлаш методикаси (Н.Е.Веракс) умумий ўртача кўрсаткичлари (Стъудентнинг t-мезони бўйича)

Шкалалар	Қарши шаҳри (N = 143)			Самарқанд шаҳри (N = 141)			Косон тумани (N = 137)		
	М	Стандарт огийш	Т стати- стика	М	Стандарт огийш	t- стати- стика	М	Стандарт огийш	t- стати- стика
Ҳаракат вазиятларини билмайдиган	0,32	0,47	1,45*	0,26	0,44	1,39*	0,06	0,24	1,13*
Ҳаракат вазиятларига мос тушмайдиган	0,84	0,99	1,12*	1,00	1,01	1,29*	0,68	0,95	1,95**
Ҳаракат вазиятларини аниқ биладиган	0,72	1,29	1,09*	0,66	1,25	1,02*	1,80	1,48	2,22**
Катталарга бўлган муносабатни билмайдиган	0,02	0,14	1,06*	0,02	0,14	1,06*	0,02	0,14	1,06*
Катталарга бўлган муносабатни нисбатан биладиган	0,80	0,99	1,08*	0,60	0,92	1,86**	0,20	0,60	1,37*
Катталарга бўлган муносабатни аниқ биладиган	1,82	0,47	2,31**	2,20	1,64	2,67**	3,04	1,22	3,39**

Қарши шахридаги мактабгача таълим ташкилотлари тарбияланувчиларининг коммуникатив имкониятлари натижалари биринчи шкала бўйича 0,32 натижани қайд этгани ва бу қиймат қуйи даражани кўрсатаётганлигини намоён қилди. Бунга кўра, синалувчилар ўзаро муносабатларни деярли тан олмайдиган ва катталар томонидан берилган вазифаларни ажратиб бера олмайдиган болаларга хос бўлиб, бундай тоифадаги болалар бошқа одамлар билан мулоқотга киришишда жиддий қийинчиликларга дуч келиши мумкин.

Иккинчи шкала бўйича синалувчиларнинг натижалари 0,84 ни ташкил этди. Бу шкалага кўра, ўзаро муносабатларнинг барча вазиятларини билмайдиган ва шунга мос равишда катталар томонидан тақдим этилган барча вазифаларни ажрата олмайдиган болалар учун хос белги ҳисобланиб, бундай болаларнинг хатти-ҳаракатлари ҳар доим турли хил вазиятларга мос тушмаслиги мумкин.

Учинчи шкалага кўра, синалувчилар натижалари 0,72 ни ташкил этган. Бу омил бўйича синалувчилардаги хусусиятлар қуйидагилар билан белгиланади: ҳаракатланишнинг турли вазиятларини аниқ биладиган, мазкур вазиятларда катталарнинг вазифа ва талабларини аниқлайдиган ва ўзларининг хатти-ҳаракатларига мос келадиган болаларга хос белгиларни қамраб олади.

Тўртинчи шкала яъни катталарга бўлган муносабатларни аниқроқ билмайдиган омилга кўра, катта ёшдагиларга бўлган муносабатни ифодалашнинг умумий қабул қилинган меъёрлари ва усулларини яққол билмайдиган болаларга хослиги билан белгиланади. Кейинги омил яъни катталарга бўлган муносабат ҳақида тасаввурга эга бўлмаган хусусиятга биноан, тарбияланувчиларда катталарга нисбатан муносабат билдиришнинг умумий қабул қилинган меъёрлари ва усуллари тўғрисида етарлича аниқ тасаввурга эга бўлмаган болаларга нисбатан намоён қилинади.

Навбатдаги омил эса шу нарсадан дарак берадики, болалар катталарга муносабат билдириш усуллари тўғрисида умумий тасаввурларга эга бўлган синалувчиларга хос хусусиятлардан бири саналади. Шу жиҳатдан олиб қаралганда, тарбияланувчи болалар катталар билан коммуникатив алоқага киришганда мулоқот жараёнида юзага келадиган тўсиқлар ва қийинчиликлар ҳақида етарлича тасаввурларга эга бўлганлигини намоён қила олади.

Самарқанд шахридаги мактабгача таълим ташкилотлари тарбияланувчиларининг биринчи шкала бўйича берган жавоблари 0,26 даража билан юқоридаги гуруҳдан фарқли равишда қисман фарқ қилиш билан қуйи натижани қайд этгани ва бу қиймат болаларда стандарт меъёр бўйича битта вазиятли ҳолатни топганлигини кузатиш мумкин.

Биринчи шкала бўйича, тарбияланувчилар турли хил ҳаракатлардаги вазиятлар ҳақида тўлиқ тасаввур ҳосил қилмаганлигидан ва катталар томонидан қўйилган вазифаларни унчалик даражада пайқаб ололмайдиган вазиятларга дуч келишидан дарак бериши мумкин. Шу билан биргаликда, ўзаро муносабатларни деярли тан олмайдиган ва бундай ҳолатларда катталар томонидан берилган вазифаларни ажратиб бермайдиган болаларга мос ҳаракатлар билан характерланади. Бундай типдаги синалувчилар бошқа одамлар билан муносабатга киришишда жиддий қийинчиликларга дуч келиши мумкин.

Иккинчи шкала бўйича синалувчилар натижалари 1 ни ташкил этган. Бу шкалага кўра, ўзаро муносабатларнинг барча вазиятларини аниқ даражада билмайдиган ва шунга мос равишда катталар томонидан хал қилинадиган барча вазифаларни ажрата олмаган синалувчилар учун хос белги бўлиб, бундай

болаларнинг хатти-ҳаракатлари ҳар доим турли хил вазиятларга мос тушмаслиги мумкин.

Учинчи шкалага кўра, синалувчиларнинг натижалари 0,66 ни ташкил этган. Бу омил бўйича синалувчилардаги хусусиятлар қуйидагилар билан белгиланиши мумкин: ҳаракатланишнинг турли вазиятларини аниқ биладиган, мазкур вазиятларда катталарнинг вазифа ва талабларини аниқлайдиган ва ўзларининг хатти-ҳаракатларига мос келадиган болаларга хос белгиларни қамраб олади.

Тўртинчи шкала, яъни катталарга бўлган муносабатларни аниқроқ билмайдиган омилга кўра, бола қаҳрамон, яъни катталарга ёрдам беришни истамайдиган вазиятни танлаганда рўй берадиган ҳаракатларни ташкил қилади ва катта ёшдагиларга бўлган муносабатни ифодалашнинг умумий қабул қилинган меъёрлари ва усулларини яққол билмайдиган болаларга хослиги билан белгиланади.

Кейинги омил яъни болаларга ёрдам бермайдиган вазиятларни танлаганда рўй берадиган ҳаракатлар умумлашмаси ва катталарга бўлган муносабат ҳақида тасаввурга эга бўлмаган хусусиятга биноан, тарбияланувчиларда катталарга нисбатан муносабат билдиришнинг умумий қабул қилинган меъёрлари ва усуллари тўғрисида етарлича аниқ тасаввурга эга бўлмаган болаларга нисбатан намоён қилинади.

Навбатдаги омил эса бола ўзидан катталарга ёрдам берадиган вазиятларни танлаганда амалга оширадиган хусусиятларни қамраб олиши, шу нарсадан дарак берадики, катталарга муносабат билдириш усуллари тўғрисида умумий тасаввурларга эга бўлган синалувчиларга хос хусусиятлардан бири эканлигини тушуниш мумкин. Натижалар шуни кўрсатадики, ўзаро муносабатларга киришиш жараёнида катталар билан болалар мос ҳаракатларни амалга оширишлари, бу улардаги ноқулай вазиятларни осонлик билан хал қила олишлари ва позитив муносабатларни йўлга қўйиш имконини беради.

Косон туманидаги мактабгача таълим ташкилотлари тарбияланувчиларининг коммуникатив қобилиятлари даражасининг натижалари шуни кўрсатадики, синалувчиларнинг биринчи шкала бўйича берган жавоблари 0,06 қийматни ташкил этганлиги, бу натижа болалардаги коммуникатив алоқаларни ўрнатишда қийинчиликлар юзага келиши билан характерланади. Шу билан бир қаторда синалувчилар катталар томонидан юклатилган вазифаларни унчалик даражада тўғри тушуна олмаслиги ҳам мумкин.

Биринчи шкала бўйича, тарбияланувчилар турли хил ҳаракатлардаги вазиятлар ҳақида тўлиқроқ даражада тасаввурга эга бўлмаганлигидан ва катталар томонидан қўйилган вазифаларни оптимал даражада пайқаб ололмайдиган вазиятларга дуч келишидан дарак бериши мумкин. Бундай типдаги синалувчилар бошқа одамлар билан муносабатга киришишда жиддий қийинчиликларга дуч келиши мумкин.

Иккинчи шкала бўйича синалувчилар натижалари 0,68 ни ташкил этган. Бу шкалага кўра, ўзаро муносабатлар даражалари болалардаги барча вазиятларини аниқ даражада билмайдиган ва шунга мос равишда катталар томонидан хал қилинадиган барча вазифаларни ажрата олмаган синалувчилар учун хос белги бўлиб, бундай болаларнинг хатти-ҳаракатлари ҳар доим турли хил вазиятларга мос тушмаслиги мумкин.

Учинчи шкалага кўра, синалувчилар натижалари 1,80 ни ташкил этган. Бу омил бўйича синалувчилардаги хусусиятлар қуйидагилар билан белгиланиши мумкин: ўзаро муносабатларнинг барча вазиятларини билмайдиган ва шунга мос равишда катталар томонидан тақдим қилинадиган барча вазифаларни ажрата олмаган болалар ҳисобланади. Бундай

синалувчилар хатти-ҳаракатлари ҳамиша ҳам турли вазият қондаларига мос келавермаслиги мумкин.

Тўртинчи шкала, яъни катталарга бўлган муносабатларни аниқроқ билмайдиган омилга кўра, катта ёшдагиларга бўлган муносабатни ифодалашнинг умумий қабул қилинган меъёрлари ва усулларини яққол билмайдиган болаларга хос характер билан белгиланади.

